

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЛАЙЛО ЭЛМУРАДОВА

**ДАРАЖА ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОНИНИНГ ЛИСОНИЙ
ВА НУТҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**
(белги даражаси микромайдони)

Л.Н.ЭЛМУРАДОВА

**ДАРАЖА ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОНИНИНГ
ЛИСОНИЙ ВА НУТҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**
(белги даражаси микромайдони)

КАРШИ-2013

Элмурадова Лайло Нормурадовна

Даража функционал-семантик майдонининг лисоний ва нутқий хусусиятлари (ўзбек тилшунослари учун ўқув-услугий қўлланма /Л.Н.Элмурадова. –Т.: 2013, 58 б.

Мазкур ўқув-услугий қўлланмада даража илк марта функционал-семантик майдон сифатида тадқиқ этилди. Унда даража функционал-семантик майдон тушунчасини ифодаловчи воситалар таркиби ҳамда мазкур майдон тушунчасини ташкил этувчи воситаларнинг лисоний, функционал-семантик хусусиятлари аниқланди. Шунингдек, даража функционал-семантик майдон тушунчасини ифодаловчи воситаларнинг нутқий воқеланиши ва бунда уларнинг ўзаро мутаносиблиги, бир-бирини тўлдириш хусусияти ҳамда уларни воқелантирувчи бошқа омилларнинг ўрни ўрганилди.

Ўқув-услугий қўлланма олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабалари, магистрлари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходимларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

Р.С.САЙФУЛЛАЕВА
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

О.БЕГИМОВ
филология фанлари номзоди, доцент.

Т.ЖУМАЕВ
филология фанлари номзоди.

Ўқув-услугий қўлланма Қарши Давлат университети ўқув-услугий кенгашининг 2013 йил ... февралдаги ... -сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мустақиллик барча соҳалар каторида тилшуносликда ҳам туб ўзгаришларга замин яратди. Бундай ўзгаришлар самараси, аввало, илмий тадқиқотларнинг кенг йўлга қўйилганлигида, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилишида яққол намоён бўлмоқда. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш, соҳанинг ўрганилмаган муаммоларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони, хусусан, белги даражаси микромайдонини илмий-назарий асосда ўрганиш ва илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этиш бугунги кунда ўзбек тилшунослигида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зотан, тил мураккаб ижтимоий, биологик-физиологик ҳодиса сифатида коммуникатив, эмоционал-экспрессив, аккумулятив функцияларни бажаради. Тилнинг эмоционал-экспрессив функциясининг намоён бўлишида даража тушунчасининг таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилшунослигида даражаланиш тушунчасининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.¹ Ҳозирга қадар амалга оширилган тадқиқотларда даража тушунчаси, асосан, муайян туркумнинг, сифат туркумининг категориал формаси сифатида қаралган. Натижада даража тушунчасининг морфологик ифодасини талқин қилишда бошқа грамматик категория элементлари қориштириб юборилган ўринлар кузатилади. Ўзбек тилида даража тушунчаси тил сатҳларида турли восита орқали ифодаланади ва яхлит функционал-семантик майдонни ташкил этади.

Ўзбек тилшунослигида даража тушунчаси яхлит функционал-семантик майдон сифатида ўрганилмаган. Даража тушунчасининг намоён бўлиши, уни ифода этувчи воситалар, даражаланиш ҳодисасининг сатҳлараро хусусияти,

¹ Маъруфов З. М. Ўзбек тилида сифатларнинг киёсий даражалари // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти асарлари. – Т., 1949; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. –Т., 1997.

даража тушунчасининг лексема семантикасидаги функционал маънолар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлиши монографик планда махсус тадқиқ этилмаган. Турли воситалар орқали хилма-хил кўринишларда намоён бўладиган даражаланиш ҳодисаси яхлит бир семантик майдон нуктаи назаридан ўрганилмаган.

Маълумки, лингвистик майдон назарияси Г.Ипсен², И.Триер³, В. Порциг⁴, Л. Вайсгербер⁵, А.В.Бондарко⁶, А.М.Кузнецов⁷ каби жаҳон тилшунослари номи билан боғлиқ. Майдонни тилшуносликда умумий семемага эга, бир архисема билан бирлашувчи лексик бирликлар мажмуи сифатида тушуниш XIX асрдан, хусусан, М.М. Покровский тадқиқотларидан бошланган⁸. Дастлаб майдон назарияси тилнинг лексик сатҳида ўрганилиб, тезауруслар яратиш, идеографик луғатчилик амалиёти учун хизмат қилган⁹. Ўзбек тилшунослигида ҳам лексик ёки синтактик бирликлар мажмуасига майдон сифатида қараш ҳам мавжуд. Ш.Искандарова, М.Абдувалиев, Т.Мирзақулов, Ҳ.Ҳожиева, Ф.Сафаров, Б.Йўлдошев, Б.Менглиев тадқиқотларида лингвистик ҳодисалар тизим сифатида майдон асосида таҳлил қилинган.¹⁰

² Ipsen G. Der alte Orient und die Indogermanin // Festschrift für Wordschreiberg. – Heidelberg. 1924. – 102 s.

³ Trier J. Der deutsche Wortsatz im Simbolik der Verstandes (Die Geshtute eines, einen sprachlichen Feldes). – Heidelberg, 1931. – 187 s.

⁴ Porsig W. Des Wunder der Sprache. – Bern, 1957. – 67 s.

⁵ Weisgerber L. Grundsuge der Inhaltsbesogenen Grammatik. – Dusseldorf. 1962. – 77.

⁶ Бондарко А. В. Грамматическая категория и контекст. – Ленинград: Наука, 1971. – 116; Шу муаллиф. Теория морфологических категорий. – Л.: Наука, 1976. – 256 с; Шу муаллиф. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. – Л.: Наука, 1983. – 208 с; Шу муаллиф. Функциональная грамматика. – Л.: Наука, 1984. – 136 с.

⁷ Кузнецов А. М. Поле // Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 380-381.

⁸ Покровский М. М. Избранные работы по языкознанию. – М.: Наука, 1954. – 382 с.

⁹ Апресян Ю. Д. Дистрибутивный анализ значений и структурные семантические поля // Лексикографический сборник. Вып. V. – М., 1962. – С. 52–72; Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М.: Наука, 1976; Уфимцева А. А. Теории «семантического поля» и возможности их применения при изучении словарного состава языка // Вопросы теории языка в современной зарубежной лингвистике. – М.: Наука, 1961. – С. 30–64.

¹⁰ Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 1999; Абдувалиев М. Тўсиксизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. – № 4. – Б. 62–66; Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 1994; Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нуткий хусусияти: Филол. фан. ном. ... дисс. – Самарқанд, 2001; Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-микдор микромайдони ва унинг лисоний-нуткий хусусияти: Филол. фан. ном. ... дисс. – Самарқанд, 2004; Йўлдошев Б. Майдон назариясининг тилшуносликка таъсири ҳақида // Ўзбек филологияси масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Навоий, 2001. – Б. 43–44; Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т. 2002.

Ўзбек тилидаги даража маъносини ифодаловчи воситалар А.Н.Кононов, Т.И.Грунина, А.Ғуломов, С.Н.Иванов, М.Асқарова, Ғ.Абдурахмонов, Ғ.Ҳ.Неъматов, Р.Расулов ва уларнинг издошлари томонидан атрофлича тадқиқ этилган¹¹. Сифат ва унинг даража категориясини ўрганишда З.Маъруфов, А.Мадрахимов, И.Ҳамдамова, М.Содиқова, Ф.Исҳоқов, С.Ғиёсов, М.Қўлдошев, Ким Бьёнг Иль, З.Мамаражабова¹² тадқиқотлари эътиборга молик.¹³ Сифат ва унинг даража категорияси туркий тиллар доирасида ҳам ўрганилган.¹⁴

Даража билдирувчи лексемалар, даража морфологик категорияси, даража-микдор холи, даража-микдор эргаш гапли қўшма гап сифатида турли томондан алоҳида-алоҳида ўрганилган. Даража тушунчаси, унинг хусусиятлари О.Бозоров, Ш.Шаҳобиддинова тадқиқотларида, қисман, Ф.Нажмиддинов диссертациясида ёритилган¹⁵. Даража тушунчаси ҳақидаги мулоҳазалар айрим дасрлик, қўлланмаларда ҳам келтирилган.¹⁶

¹¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л.: Изд-во Академии наук СССР, 1960. – С.162–165; Исхаков Ф. Г. Имя прилагательное. – М.: ИСГТЯ, II. 1987. – С. 143–145.; Мадрахимов А. Ўзбек тилида сифат ва янги ясалган сифатлар масаласига доир // Известия АН УзССР. Серия общественных наук. – Т., 1957. – № 1. – С. 41-47; Маъруфов З. М. Ўзбек тилида сифатларнинг киёсий даражалари // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти асарлари. – Т., 1949. – К. 1. – Б. 131–143.

¹² Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари. Филол. фан. ном. ...дисс.-Т. 2004.

¹³ Маъруфов З. М. Ўзбек тилида сифатларнинг киёсий даражалари // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти асарлари. – Т., 1949; Мадрахимов А. Прилагательные новообразования в современном узбекском языке. Дисс. ...канд. филол. наук. -Т.,1955; Содиқова М. Ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи сифатлар. Филол. фан. ном. ...дисс. -Т.,1963; Ҳамдамова И. Ўзбек тилида сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг ўзбек тили изохли лугатида берилиши. Филол. фан. ном. ...дисс. -Т., 1964; Гиясов С. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка. -Дисс. канд. филол. наук. -Т, 1983; Исхаков Ф. Г. Имя прилагательное. – М.: ИСГТЯ, II. 1987. – С. 143–145; Қўлдошев М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат ясовчи махсулдор аффикслар. Филол. фан.ном. ...дисс.-Т.,1994; Ким Бьёнг Иль.Семантико-грамматические и стилистические особенности однокоренных параллельных прилагательных с различной аффиксальной частью в современном узбекском языке. Дисс... канд. филол. наук. -Т., 2000; Мамаражабова З. Кўрсатилган манба.

¹⁴ Хаметова А. Превосходная и преувеличительная степени имён прилагательных в тюркских языках (на материалах современных узбекского, уйгурского, казахского и туркменского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т: Фан, 1969. – 30 б.

¹⁵ Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. –Т., 1997; Нажмиддинов Ф. Адъектив лексемаларда семалар таснифи ва семалараро муносабат турлари. Филол. фан. ном. ...дисс.-Навоий, 2000.

¹⁶ Ўзбек тили грамматикаси. Т. I.–Т.: Фан, 1975. –Б. 298-300; Расулов Р., Нарзиева М. Лексикологияни ўрганиш: Олий ўқув юртлари учун. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б. 23; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. –Т.:Ўқитувчи, 1980. – Б.256; Назаров К., Убаева Ф., Наримонова М., Сайфуллаева Р. Қўшма гап компонентларини системали ўрганиш масаласига доир // Ҳозирги ўзбек адабий тилининг таракқиёт йўналишлари. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: ТошДУ, 1990. – Б. 16–26; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. – Т.: Ўзбекистон, 1992.– Б. 283; Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги адабий ўзбек тили. -Т: Mumtoz so'z, 2010.

Қайд этилган тадқиқотларда даража тушунчаси, асосан, грамматик категория сифатида нисбатан тор доирада таҳлил қилинган. Даража тушунчасининг грамматик категория доирасига сиғмаслиги, унинг сатҳлараро намоён бўлиши ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирилган бўлса-да¹⁷, даража тушунчаси функционал-семантик майдон асосида махсус тадқиқ этилмаган.

Даража билдирувчи лексемалар, даража морфологик категорияси, даража-миқдор холи, даража-миқдор эргаш гапли қўшма гап сифатида турли томондан алоҳида-алоҳида ўрганилган. Бу масала, айниқса, А. Ғуломов, М.Асқарова, Ғ. Абдурахмонов ва уларнинг издошлари томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Ш. Шаҳобиддинова эса систем ёндашув асосида даража категориясини махсус текширди.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада даража илк марта функционал-семантик майдон сифатида олиниб, уни ифодаловчи фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва нолисоний воситалар биргаликда бир-бирини тўлдирувчи яхлит тизимни ташкил этиши асосланди; даража функционал-семантик майдон тушунчасини ифодаловчи воситалар таркиби аниқланди; даража функционал-семантик майдон тушунчасини ташкил этувчи воситаларнинг лисоний, функционал-семантик хусусиятлари ўрганилди; даража функционал-семантик майдони воситаларининг семантик таркиби аниқланди, улардаги асосий, ёндош ва ҳамроҳ маъно кўрсатилди; даража функционал-семантик майдон тушунчасини ифодаловчи воситаларнинг нутқий воқеланиши ва бунда уларнинг ўзаро мутаносиблиги, бир-бирини тўлдириш хусусияти ҳамда уларни воқелантирувчи бошқа омилларнинг ўрни аниқланди; даража тушунчасини ифодаловчи лексемалар маъносининг морфологик, синтактик, услубий воситалар ёрдамида реаллашуви, даража тушунчасини ифодаловчи грамматик (морфологик) шакллар маъносининг лексик, синтактик ва услубий воситалар ёрдамида акс эттирилиши ҳамда уларнинг фарқли жиҳатларига эътибор қаратилди.

¹⁷ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили.-Т: Mumtoz soʻz, 2010.

1. ДАРАЖА ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОНИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТИ

1.1. Даража функционал-семантик майдони ва унинг таркиби.

Даража сўзининг кўп маънолилиги ва серқирралиги ҳам масала моҳиятини мураккаблаштиради. Фалсафада *даража* “нарс ва ҳодисаларнинг қандай босқичда уюшганлиги ва ривожланганлигининг кўрсаткичи. Масалан, материянинг тузилиши даражаларига анорганик даража (жонсиз табиат), органик даража (жонли табиат) ва ижтимоий даража (жамият)лар киради. Миқёсий тузилиш даражаларига эса микродаража, макродаража ва мегадаражалар киради”¹⁸.

Даража тушунчаси ўзбек тилида мураккаб сатҳли майдон ҳосил қилади. Аслида даражаланишнинг турли тил сатҳ бирликлари билан ифодаланиши ва даражаланишнинг турли сатҳда мавжуд бўлишини фарқлаш муҳимдир. Бу эса даража ва даражаланишни фарқлаш асосида аниқланади. Чунки даража даражаланишнинг бир нуқтаси бўлса, даражаланиш ана шу нуқтанинг бошқа нуқталарга муносабатини кўрсатади. Шу маънода айтиш мумкинки, даража бирликнинг хоссаси бўлса, даражаланиш бирликнинг бошқа бирликка муносабати, бошқа бирлик билан парадигматик нисбати ҳисобланади. Даража ва даражаланишнинг диалектик асоси ҳам турлича. Масалан, «материянинг узлуксиз ҳаракати, миқдор ўзгаришларининг бир сифат туридан иккинчи бир сифат турига оралиқ ҳолатлар орқали тадрижий ўзгариб боришининг ўзи борлиқнинг даражаланиш заминиди шаклланганлигини кўрсатар экан»¹⁹, бундан даражаланиш асосида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига тадрижий ўтиши ётиши, даражанинг ўзи эса ўртача ҳолатга нисбатан олинганлиги сабабли уни ўрганишнинг методологик асоси **меъёр** тушунчаси эканлиги маълум бўлади.

¹⁸ Фалсафа: Комусий луғат /Тузувчи ва масъул муҳаррир Х. Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – Б.82.

¹⁹ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. –Т., 1997. – Б. 9.

Белги даражаси майдонининг лисоний-нутқий хусусияти деганда бу маънони ифодаловчи воситанинг лисоний сатҳдаги қиймати, лисоний моҳияти, семантик структураси, нутқий воқеланиши, воқелантирувчи қуршов бирликлари, нутқий вазифаси ва қўлланиш ўринлари тушунилади. Буларнинг барчаси бирликнинг структур ва функционал-семантик хусусиятини ташкил қилади.

Бетараф воситанинг маъно ифодалаш кўлами кенг бўлиб, бу унинг имкониятини белгилайди. Умуман олганда, бетараф бирликнинг майдон ядроси бўлишига кўпроқ асос бор²⁰. Чунки ҳар қандай ҳолатда бетараф бирлик ёки категориял тизимдаги доминанта бирлик ўзида бошқа бирликларнинг хусусиятларини тўлароқ акс эттириши, уларнинг ўрнини алмаштира олиш хусусиятининг устуворлиги билан характерланади.²¹

Белги даражасини ифодаловчи воситаларни кузатишдан шу нарса маълум бўладики, бу воситалар майдонда тутган ўрни билан ҳам фарқланади. –роқ даража шакли ва у билан шаклланивчи –дан+сифат+роқ мураккаб шакли бош восита бўлиб, майдон ядросини ташкил қилади. Чунки бу шакл асосан белги даражасини ифодалаш учун хосланган ва унда даражанинг асосини ташкил этувчи қиёс яққол сезилиб туради. Шунингдек, мазкур функцияни бажариш учун турли шакл ва воситалар билан биргаликда, изчил ишлатилади. Унинг қўлланиши даражанинг турлари (оз, ўртача, кўп) билан ҳам чекланмаган.

Даража ифодаловчи бошқа воситалар даражанинг бўлак микромайдонларида ишлатилади. Аммо улар сирасида энг ва ҳаммадан бирликлари ўзининг белги даражасига хосланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Демак, қиёснинг яққоллиги уларни –роқ шакли билан

²⁰ Бетараф қийматли лисоний бирликларнинг тавсифи билан танишиш учун қаранг: Якобсон Г.О. Морфологические наблюдения над славянским склонением. – Mountouns – Grahvenhage, 1958; Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст. – Ленинград: Наука, 1971; Бондарко А. В. Теория морфологических категорий. – Ленинград: Наука, 1976; Зикриллаев Г.Н. Компонентный анализ синтетических форм прошедшего времени в узбекском языке // Советская тюркология, 1980. – № 5. – С. 46–54; Шу муаллиф. Система форм повелительно-желательного наклонения в узбекском языке // Советская тюркология, 1983. – № 6. – С. 52–58; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. – Т.: Фан, 1989. – 192 б.


²¹ Негматов Х. Фель, унинг форма ва категориялари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – №1. – Б. 39–46.

биргаликда майдон ўртасига қараб тортади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, *энг* бирлиги ҳам майдон ядроси сифатида қаралиши лозим.

Ҳаммадан/барчадан сўзлари даража маъносини ифодаловчи воситалар сирасида алоҳида ўрин тутди.

Демак, *-роқ* шакли ва *энг* сўзигина майдон ядроси сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Белги даражаси микромайдонини ифодаловчи воситалар ҳам даража функционал-семантик майдони тушунчасининг қайси қисмларини ҳосил қилишига кўра уч қисмга бўлинади: ядро, марказ ва чекка қисм. ни чизмада куйидагича бериш



мумкин:

Белги даражаси микромайдони воситалари хусусиятларини ўрганишда бирликларнинг тузилиши (сода бирлик, мураккаб бирлик), уларнинг алоҳида-алоҳида воқеланиш хоссалари, биргаликда реаллашувида ифодаланмишнинг тақсимланиши, функционал турланиши (белгини кучайтириш, қиёслашни кучайтириш, таъкидни кучайтириш, белгини ўзгартириш, ойдинлаштириш) га эътибор қаратилади.

Умуман олганда, белги даражаси микромайдонини лингвистик ўрганиш натижасида «белги даражаси майдони ядро, марказ ва чекка қисмдан тузилган бўлиб, белги даражасини турли кўриниш ва даражаларда

ифодалайдиган лисоний ва нолисоний воситаларнинг уюшган мажмуи» таърифи илмий асосланади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Даража, микродаража, макродаража, мегадаража, даражаланиш, меъёр, белги даражаси майдонининг лисоний-нутқий хусусияти, бетараф бирлик, доминанта бирлик, даража функционал-семантик майдони ядроси, белги даражасини ифодаловчи восита, –роқ даража шакли, лисоний восита, нолисоний восита, –дан+сифат+роқ мураккаб шакли, энг сўзи, ҳаммадан//барчадан бирликлари, қиёс, даража функционал-семантик майдони ядроси, даража функционал-семантик майдони маркази, даража функционал-семантик майдони чеккаси.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Даража сўзига тавсиф беринг.
2. Даража ва даражаланишнинг фарқли хусусиятларини баён этинг.
3. Қайси сўз туркумларида даражаланиш мавжуд?
4. Мавжудот даражаси микромайдони, белги даражаси микромайдони, ҳаракат даражаси микромайдони, миқдор даражаси микромайдонларининг лисоний-нутқий хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.
5. Белги даражаси микромайдонининг фонетик, луғавий, грамматик воситалар ёрдамида ифодаланишига мисоллар келтиринг ва уларни шарҳланг.
6. Белги даражаси микромайдонини ифодаловчи воситалар қандай қисмлардан ташкил топади?
7. Даража функционал-семантик майдони ва унинг таркиби деганда нимани тушунаси?

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР:

1- ТОПШИРИҚ. Берилган гаплар таркибидаги микромайдонларни гуруҳларга ажратинг ва қуйидаги жадвални тўлдилинг.

1. *-Сиз шу ерда андак ўтириб туринг, опа! –деди ҳалиги қирра бурун одам.* (П. Турсун) 2. *Ўзбек ойим бурчакда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишга буюрди.* (А. Қодирий) 3. *Ҳаммамиз бир пиёла - бир пиёла буги чиқиб турган сутдан ичдик.* (Ў. Умарбеков) 4. *Қаҳратон қишда яланг оёқ муз босиб, саратонда қизгин қум кечиб... обдан пишиган йигитни ҳам ... кун хийла бетоқат қилган эди.* (Ойбек) 5. *...Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш икки отлиқ чиқиб келаверди.* (М.Исмоилий) 6. *Ҳамма сув деб талпинар, ҳамма сувга интилар эди.* (М.Исмоилий) 7. *Орқасига қараса, икки отлиқ етиб олишига сал қолибди.* (Н.Фозилов) 8. *Мана, ўғлим лаби устида Қалдирғочнинг майин қаноти.* 9. *Ўспириним тоза кўксиди Кунда ошар янги ҳис тоти.* (Зулфия) 10. *Гўё бу сеҳргар чол ҳамма нарсани бетдан ўқиб олар эди.* (А.Қодирий)

Мавжудот даражаси микромайдони	Белги даражаси микромайдони	Ҳаракат даражаси микромайдони	Микдор даражаси микромайдони

2- ТОПШИРИҚ. Берилган гаплардаги феълларни ҳаракатнинг турли даражасини кўрсатишига кўра гуруҳларга ажратинг ва қуйидаги жадвални тўлдилинг.

1. *-Мен ўзбошимчалик қилганим йўқ, -жавоб берди бола йигламсираб.* (Ў.Умарбеков) 2. *–Келинг, уста Қудрат, –деди Тешабой, ўтирган ерида мулойимгина кулимсираб.* (М. Исмоилий) 3. *Мақсадимиз “хонақоҳ”нинг бир бурчагида жунжикиб ўтириб, кўзларимизни илинтириб олмоқ эди.* (М.Муҳаммаджонов) 4. *Тошпўлат бир сиқим кесакни олиб кафтида эзгилади.* (Ў.Умарбеков) 5. *Гўнг аравага роса тепкилаб босилган,*

гилдираклар юк зўридан гижирлар, қўш от уни базўр тортар эди. (Ҳ.Ғулом)
 6. Қизим, ёта қолинглар. Меҳмон йўл юриб келган. Толиққан. (Шухрат) 7.
 Эллиқбоши олдиндаги болаларни қамчи билан савалай бошлади. Бир бола
 қичқириб йиғлаб юборди. (М.Исмоилий) 8. –Тўтибу қўллари билан
 Адолатнинг гоҳ елкасини, гоҳ орқасини сийпаларди. (С.Зуннунова)

Ҳаракатнинг кучли даражасини кўрсатувчи шакллар	Ҳаракатнинг кучсиз даражасини кўрсатувчи шакллар

3- ТОПШИРИҚ. “Ўринбосар” усулидан фойдаланган ҳолда қуйидаги топшириқни бажаринг. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридан ҳаммадан // барчадан, –дан+сифат+роқ, -роқ, энг каби воситалар иштирок этган гаплар топинг. Воситаларни алмаштириб қўлланг. Матннинг мантикийлигига путур етказмасликка ҳаракат қилинг.

Даража функционал-семантик майдони ва унинг таркибига оид билимингизни қуйидаги **тест** саволлари асосида текшириб кўринг.

1. Даража микромайдон турлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- А. Мавжудот даражаси микромайдони, белги даражаси микромайдони
- В. Ҳаракат даражаси микромайдони, белги даражаси микромайдони
- С. Белги даражаси микромайдони, ҳаракат даражаси микромайдони, микдор даражаси микромайдони
- Д. Белги даражаси микромайдони, ҳаракат даражаси микромайдони, микдор даражаси микромайдони, мавжудот даражаси микромайдони

2. Ҳаракатнинг кучли даражасини ифодаловчи воситаларни аниқланг.

- А. –(а)ла, -қи/ -и, -чи, -а, -га/-ка/-қа
- В. –(и)мсира, -(и)ш, -(а)ла, -а
- С. -га/-ка/-қа, -гила/ -кила/-қила, -(и)қ / -(и)к

Д. –(и)мсира, -чи, -а, -га/-ка/-қа

3. **Харакатнинг кучсиз даражасини ифодаловчи воситаларни аниқланг.**

А. –(а)ла, -қи/ -и, -(и)ш

В. –(и)мсира, -(и)ш, -(и)к / -(и)қ

С. -га/-ка/-қа, -гила/ -кила/-қила, -а

Д. –(и)ш, -(и)к, -чи, -(и)мсира

4. **Даража функционал-семантик майдони ядросининг воситаларини топинг.**

А. –роқ, ҳаммадан/ барчадан

В. –дан+сифат+роқ

С. –роқ, –дан+сифат+роқ, энг

Д. –роқ, энг

1.2. Даража функционал-семантик майдони ядросининг лисоний хусусиятлари

-роқ шакли бош восита (ядро) сирасида бўлиб, у белги даражасини турли кўриниш ва даражаларда ифодалаш учун хосланган ва изчил, узлуксиз қўлланишга эга.

Бобур элчиликка муносиброқ одам топа олмай, ҳижрий 937 йилда Хўжа Хусайнни Московия подшосига аталган мактуб ва совға-саломлар билан Аградан жўнатиб юборди. (П.Қодиров) Ушбу мисолда муносиброқ сифати **–роқ** шаклида келган бўлиб, сўзнинг имплицит бирикувчиси **ундан** сўзшаклидир. Бунда эталон ёки қиёс икки хил кўринишга эга бўлиш мумкин. Шу боисдан гап мазмунини икки хил талқин қилиш мумкин: *Бобур элчиликка муносиброқ одам топа олмай* (Бобур бир муносиб кишини элчиликка мўлжаллаган, лекин ундан янада афзалроғини топа олмаган) - *Бобур элчиликка муносиброқ одам топа олмай* (Элчиликнинг белгиланган талаблари номзодни танлаш мезони бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, мезонга мос одам **муносиб**, унга тўла жавоб бермайдиган одам **муносиброқ** бўлади). Маълум бўладики, гапдаги **муносиброқ** сўзи белги даражасини

кўрсатаётганлиги маълум бўлса-да, унинг шартли “эталон”га муносабати аниқ бўлмай қолаётир. Қиёс объекти *шахс* бўлганда, сифатдаги белгининг ортиқ ёки камлиги белгиланмаган, қиёс объекти *элчилик* “эталон”и бўлганда белгининг камлиги ифодаланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам *муносиброқ* сифати *маъқул* сифатига маънодош бўлади. *Маъқул* сифатида мазкур “эталон”дан куйи ва юқори ҳолатлар ҳам мужассамлашгандир.

Луғавий маъносидан кучли (интенсив) белги даражаси англашилганда **-роқ** шакли «**белгиланган қиёсий камлик**» хусусий грамматик маъносини юзага чиқаради: *Чиллак ўйинининг **шафқатсизроқ** бир қондаси бор: ютқазган бола зувлаб нафаси етмай қолса, бир оёқда ҳаккалайди.* (Ў.Ҳошимов) *Шафқатсиз* сўзи **ўйин** сўзи билан мантикий боғланганлиги туфайли ҳам бунда парадигматик омил устуворлашганлиги кузатилади. Чунки *шафқатсиз* ўрнида *қаттиқроқ* белгиланмаган бадиийлик семаси асосида масала моҳиятини тўлароқ акс эттириши мумкин эди.

Энг сўзи манбаларда даража ифодаловчи лексик восита сифатида эътироф этилади.

Энг сўзининг даража маъносини ифодалашида у шакллантираётган даража билдирувчи сўзнинг луғавий маъноси муҳим ўрин тутди. «Белгининг ортиқлик даражасини белгиланмаган/белгиланган қиёс асосида ифодалаш» *энг* сўзининг умумий грамматик маъносидир. У бошқа лисоний бирликлар каби серқирра бўлиб, бирдан ортиқ парадигмага кира олади. «Белгиланган қиёс» асосида даража майдони аъзоси сифатида намоён бўлса, «белгиланмаган қиёс» маъно узви асосида кучайтирувчи бирликларга мансубдир.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Даража, -роқ шакли, даража функционал-семантик майдони ядроси, белги даражаси, белгиланган қиёсий камлик, эталон, қиёс, кучли (интенсив) белги даражаси, қиёс объекти, парадигматик омил, энг сўзи, луғавий маъно, умумий грамматик маъно, хусусий грамматик маъно, белгининг ортиқлик

даражаси, белгининг камлик даражаси, белгиланмаган/белгиланган қиёс, даража майдони аъзоси.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Даража функционал–семантик майдони ядросининг лисоний хусусиятлари деганда нимани тушунасиз?
2. *Энг* сўзининг даража маъносини ифодалашида у шакллантираётган даража билдирувчи сўзнинг луғавий маъноси муҳим ўрин тутишини мисоллар асосида баён этинг.
3. *-роқ* шаклининг “ортиқ-камлик”, “белгиланган қиёсий камлик” хусусий грамматик маъноларига эга бўлишига мисоллар келтиринг.
4. *Энг* сўзининг “белгининг ортиқлик даражасини белгиланган/белгиланмаган қиёс асосида ифодалаш”ини мисоллар асосида баён этинг.
5. *Энг* сўзи киритма таркибида келганда қандай маънони ифодалайди?

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР:

1-ТОПШИРИҚ: Берилган гаплар таркибидаги даража билдирувчи сўзларнинг луғавий маъносини изоҳланг.

1. *Бу ишда Қурбон отага биринчи бўлиб қўл бермоқчи бўлган бўлган одамларнинг энг биринчиси Абдусамадқори эди. (А.Қахҳор)* 2. *Боши берк ишларда ҳам энг сўнгги дақиқагача кураша олгич зотларгагина омад насиб этади. (Т.Мурод)* 3. *Уйга киришим билан энг аввал Хўжага кўзим тушди. (Ў.Ҳошимов)* 4. *Уни тўйда энг ҳайрон қолдирган нарса шу эдики, давлат бошлиғи бўлган Мирзо Ҳумоюн ўша кунни тўйхонанинг баланд жойига қўйилган ҳашаматли шоҳсунада Хонзода бегимни ўз ёнига ўтқазиб, уни подшога тенглаштириб эъзозлади. (П.Қодиров)* 5. *Халқ кўзида бу –энг қора, энг мудҳиш, энг золим маҳкама эди. (Ойбек)*

2-ТОПШИРИҚ: Киритмалар таркибида қўлланган *энг* сўзининг маъносини изоҳланг.

1. *Бола маълум бир спорт турига қизиқиб, ёки акаси, дўстигами эргашиб тўғаракка борса, тренер, энг аввало, унинг қобилиятини текшириб кўради.* 2. *Сиз энг аввало, ўз она-ватанингизнинг фарзанди бўлинг!* (Т.Мурод) 3. *Кўрдингми, одам, энг аввало, ўзининг яқинларини яхши кўриши керак.* (Ў.Ҳошимов) 5. *Аммо энг ёмони яна икки ойча ўтгач, салқин тушган кунлардан бирида бўлди.* (Ў.Ҳошимов)

3-ТОПШИРҚ: “Эвристика” (излайман ва топаман) усулидан фойдаланиб, даража функционал–семантик майдони ядросининг лисоний хусусиятларига оид луғавий бойлигини текшириб кўринг.

Бунда ўқитувчи бадиий матн яратиш учун бирорта мавзу эълон қилади. Матнни бошлаган биринчи ўқувчининг фикрини иккинчи ўқувчи мантиқан давом эттириши ва гапларда даража функционал–семантик майдони ядроси воситалари (энг, -роқ) иштирок этиши шарт.

НАМУНА: Мавзу: “Бола азиз – одоби ундан азиз”

1-ўқувчи: Инсонларнинг қайси фазилятларини қадрлайсиз?

2-ўқувчи: Инсонларда одамийлик, самимийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби фазилятлар мавжуд бўлади. Улардан, айниқса, энг асосийси одамийлик деб ўйлайман.

3-ўқувчи: ...

Даража функционал-семантик майдони ядросининг лисоний хусусиятларига оид билимингизни қуйидаги тест саволлари асосида текшириб кўринг.

1. Қайси шакл даража функционал–семантик майдони ядросининг асосий воситаси ҳисобланади?

A. –роқ

B. энг

C. ҳаммадан/ барчадан

D. –дан+сифат+роқ

2. Энг сўзининг даража микромайдонига дахли бўлмаган қаторни топинг.

А. Боши берк ишларда ҳам энг сўнгги дақиқагача кураша олгич зотларгагина омад насиб этади. (Т.Мурод)

В. Сиз, энг аввало, ўз ота-онангизнинг фарзанди бўлинг! (Т.Мурод)

С. Уйга киришим билан энг аввал Хўжага кўзим тушди. (Ў.Ҳошимов)

Д. **А,С**

3. Қайси гапда *энг* сўзи сўзловчининг муносабатини ифодалайди?

А. Сиз, энг аввало, ўз ота-онангизнинг фарзанди бўлинг! (Т.Мурод)

В. Кўрдингми, одам, энг аввало, ўзининг яқинларини яхши кўриши керак. (Ў.Ҳошимов)

С. **А,В**

Д. Уйга киришим билан энг аввал Хўжага кўзим тушди. (Ў.Ҳошимов)

1. 3. Даража функционал-семантик майдони марказининг лисоний хусусиятлари

1) ҳаммадан/барчадан сўзи; 2) бошланғич товушини олиб, унга *п, м, с* товушини қўшиш ва ёнидан сифатнинг ўзини келтириш; 3) дастлабки қисмига *-ппа* унсурини қўшиш ва сўзнинг ўзини жуфтлаштириш; 4) *-иш// -ғиш, -мтир// -имтир, -тоб, -гина// -кина// -қина* қўшимчаси; 5) *оч, ним* сўзида; шунингдек, синтактик восита сифатида қаралувчи: а) махсус кучайтирувчи сўзлар: *жуда, гоят, ниҳоятда, бир, бирам, тим, бениҳоя, чексиз, мислсиз, тенгсиз, ниҳоясиз, беқиёс, янада* каби; б) такрорий сўзлар: *зўр-зўр, бармоқдай-бармоқдай, бир-биридан, не-не, каттадан-катта* каби; в) турлича сўз бирикмалари, идиоматик ибора: *ҳаддан зиёд, ҳаддан ташқари, мисли йўқ, баҳоси йўқ, минг марта, ақл бовар қилмас, мутлақо* каби; г), *баттар* каби содда сўзларда қиёснинг мантикий мавжудлиги, белгини маълум бир сифатларда кўрсатиш билан чекланилиши, шу билан биргаликда, даражани асосан белги микромайдонида ифодаланиши эътиборга олиниб, даража функционал-семантик майдони **марказий бирликлари** сифатида ажратилган эди. Шу билан биргаликда, лексик унсур билан морфологик шаклларнинг биргаликда қўлланиши: *хиёл+сифат+роқ; -га қараганда ...роқ,*

-га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам –роқ каби **синтактик-морфологик восита сифатида баҳоланувчи** шакллар ҳам белги даражасини ифодалаш категориал хоссасига эга бўлганлиги сабабли уларга даража функционал-семантик майдони **марказий бирликлари** сифатида баҳо бериш мумкин.

Ҳаммадан сўзи қуйидаги сўз туркумлари билан келиб, уларнинг даражасига ишора қилади. *Ҳаммадан +сифат, ҳаммадан +сифат+эғалик шакли, ҳаммадан +равиш, ҳаммадан +равиш +роқ, ҳаммадан +равиш +келишик шакли, ҳаммадан +кўмакчи* каби.

Ҳаммадан сўзи аксар ҳолларда равиш туркумига мансуб сўзлар билан келиб, ҳаракат/ҳолатнинг даражасига ишора қилади. Бунга асосланиб мазкур шаклнинг ҳаракат/ҳолат даражасини ифодаловчи микромайдондаги мавқеи белги даражасини ифодаловчи микромайдондаги ҳолатидан кескин фарқ қилиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Кузатишлардан маълум бўладики, *ҳаммадан яхши, ҳаммадан ортиқ, ҳаммадан ёмони, ҳаммадан бой* каби шакллар барча даража ифодалаш ҳолати замирида *ҳаммадан* сўзи юқори даражани белгили қиёслаш учун хизмат қилган.

Жуда, гирт, жиққа, тим, нақ, зап, ўта, беҳад сўзлари. Борлиқ ҳодисаларини аташ нисбий табиатга эга. Шу боисдан нисбийлик қонунияти бугунги кунда физик майдондан ташқарига чиқмоқда. Масалан, *қизил* қизил бўлмаган нарсаларга нисбатан, *ақлли* ақлсизларга нисбатан белгиланади. Шу боисдан биз таҳлил қилишимиз лозим бўлган *жуда, гирт, жиққа, тим, нақ, зап, беҳад* сўзлари ёрдамида ҳосил қилинган бирликларда ҳам белгининг нисбийлиги кузатилади. *жуда* сўзининг категориал (субстанциал) маъноси ҳисобланувчи «орттирма» семасига «қиёс» семаси ҳамроҳ маъно сифатида иштирок этади²².

²² Мусулмонова Н. Р. Грамматик шаклларда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категориалари мисолида): Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 26 б.

Ғирт асосан характер/хусусият белгиси даражасига нисбатан ишлатилади. Бу бирлик сўзлашув услубига хос бўлиб, асосан, кейинги даврларда фаоллашди. Демак, сўз «характер/хусусият белгиси орттирма даражасининг белгиланмаган қиёсий ифодаси» умумий грамматик маъносига эга.

Тим сўзи биргина *қора* сўзининг, *жиққа* сўзи эса фақат *хўл* сўзининг орттирма даражасини кўрсатиш учун қўлланади. Бу сўзлар танланган асарларда учрамади. Шу боисдан уларнинг умумий грамматик маъносини «қора ранг белгиси орттирма даражасининг белгиланмаган қиёсий ифодаси» (тим), «хўллик белгиси орттирма даражасининг белгиланмаган қиёсий ифодаси» (хўл) тарзида таърифлаш мумкин.

Беҳад сўзи белги, миқдор ва иш ҳаракат даражасини кўрсатиш учун хизмат қилади. *Беҳад* сўзи *жуда* сўзига маълум даражада маънодош бўлиб, *жуда* услубий бетарафлиги, *беҳад* эса «бадийлик» семаси билан ундан фарқланади. *Жуда* сўзи эса ундан «феълга хос эмаслик» белгиси билан ажралиб туради. *Ўта* сўзи ҳам феълдан англашилган иш-ҳаракат даражасини ифодалай олмаслиги билан *жуда* сўзига яқинлашади.

Демак, *беҳад* сўзи «белги ортиқлиги белгиланмаган қиёсий даражасининг бадий ифодаси» субстанциясига эга. *Ўта* сўзи эса ундан «сўзлашув нутқига хос» семаси билан ажралади ва эквиолент табиатли оппозитив муносабатга киришади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Даража функционал-семантик майдони маркази, даража функционал-семантик майдони марказий бирликлари, ҳаммадан/барчадан сўзи; -иш// -иш, -мтир// -имтир, -тоб, -гина// -кина// -қина қўшимчалари; п, м, с товуши; -ппа унсури; оч, ним сўзлари; махсус кучайтирувчи сўзлар; такрорий сўзлар, сўз бирикмалари, идиоматик иборалар; синтактик-морфологик восита, ҳаммадан + сифат, ҳаммадан + сифат + эгалик шакли, ҳаммадан + равиш, ҳаммадан + равиш + роқ, ҳаммадан + равиш + келишик шакли, ҳаммадан

+ кўмакчи; ҳаракат/ҳолатнинг даражаси; жуда, гирт, жиққа, тим, нақ, зап, ўта, беҳад сўзлари; характер/хусусият белгиси даражаси.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Даража функционал-семантик майдони марказининг лисоний хусусиятлари деганда нимани тушунаси?
2. Қайси лексик, морфологик, синтактик воситалар даража функционал-семантик майдони марказий бирликлари ҳисобланади?
3. Ҳаммадан// барчадан сўзининг даража ифодалаш имконияти, унинг қайси микромайдонга кўпроқ хослиги ҳақида маълумот беринг.
4. Қайси сўз ва сўз бирикмалар даража функционал-семантик майдони воситалари саналади?
5. Қайси қўшимчалар қиёснинг мантикий мавжудлиги, белгини маълум бир сифатларда кўрсатиш билан чекланганлиги, шу билан биргаликда, даражани, асосан, белги микромайдонида ифодалай олганлиги боис майдон марказий бирликлари сифатида қаралади?
6. Ўзбек тилшунослигида *нақ, зап, беҳад, жуда, ўта* сўзларига қандай муносабат билдирилган?

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР:

1-ТОПШИРИҚ: Матн таркибидаги майдон марказий бирликларини аниқланг ва намунага қараб қуйидаги жадвални тўлдилинг.

1. *Отин ойи олтмишларга борган, тишлари тушган, фақат тишқолидан тим қорайган икки тиши гапирганда лиқиллаб турар эди.* (Ойбек)
2. *–Ўзим кўрмадим, -деди Офтоб ойим, -аммо кўргувчиларнинг сўзлариги қараганда, ўхшашиз кўркам, тенгсиз ақлли йигит эмиш.* (А.Қодирий)
3. *Бу ҳаёт оқимида мислсиз гирдоблар учрайди.* (А.Қахҳор)
4. *Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотин.* (А.Қахҳор)
5. *Домла бозор қилишни, магазинга*

боришни жинидан баттар ёмон кўрар эди. (А. Қахҳор) 6. Ижрочининг серифода кўзлари, ярашиб тушган ҳаракатлари, қилиқлари ўта табиийлиги билан ҳаммага маъқул эди. (М.Жалолиддинова)

Махсус кучайтирувчи сўз ва сўз бирикмалари	Бошланғич бўғинни олиб, унга п, м, с товушини қўшиш ва ёнидан сифатнинг ўзини келтириш	Дастлабки қисмига -ппа унсурини қўшиш ва сўзнинг ўзини жуфтлаштириш	-иш//–ғиш, -мтир//–имтир, -тоб, -гина//–кина//–қина қўшимчалари

2-ТОПШИРИҚ: Қуйидаги синтактик-морфологик воситалар сифатида баҳоланувчи *хиёл+сифат+роқ; -га қараганда ...роқ, -га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам –роқ* асосида гаплар тузинг.

3- ТОПШИРИҚ: Матн таркибидаги *ҳаммадан* сўзининг даража белгисини ифодалаш имкониятини аниқланг ва уларни изоҳланг.

1. *Шундан кейин тенгдош кўкалдошлари орасида Акбар ёғоч қилични ҳаммадан яхши чопадиган бўлди. Энди Ёқуббек мана шу сирни яхшироқ бекитиш учун Бобурга ҳаммадан ортиқ садоқат билдирмоқда эди. Аммо Байрамхон ўзи ҳаммадан бой!* (П.Қодиров) 2. *Ҳаммадан ёмони сиёҳ музлаб қолади.* (Ў.Ҳошимов) 3. *Учоқдан ҳаммадан кейин тушишиди.* (Т.Малик) 4. *Пули катта бу бек Андижон мудофаасига ҳаммадан кўп маблағ ажратган эди.* (П.Қодиров) 5. *Мавлоно Фазлиддин девор тепасидаги хатарга Хонзода бегим ҳаммадан аввал рўбарў бўлишидан қўрқди-ю, зинапоёга биринчи бўлиб қадам қўйди.* (П.Қодиров) 6. *Йигитлар олдинма-кейин юқорига чиқар эканлар, Ҳумоюннинг оти тош жардан қандай қулаб кетгани, унинг ўзи бошқа отга сакраб миниб қандай жон сақлагани, сўнг чап қўл билан қилич чопиб, Шерафкандай паҳлавонни қандай енггани Шаҳзода Султонимни ҳаммадан кўпроқ ҳаяжонга солди.* (П.Қодиров) 7. *Той ҳаммадан узоқдан — Беиқўрғондан ўзига ўхшаш ювош, шохсиз сигирини олдига солиб келарди.* (Ў.Ҳошимов) 8. *У ҳаммадан олдинда тошдан-тошга енгил кўтарилиб борар, гоҳ онасига, гоҳ опасига юқоридан қўл чўзиб ёрдамлашиб қўярди. Ҳаммадан*

олдинда қўлида қалқон тутган, қилич ялангочлаган Аҳмад Танбал келмоқда эди. (П.Қодиров)

3-ТОПШИРІҚ: Матн таркибдаги даража функционал-семантик майдонининг марказий бирликларини аниқланг.

1. *Бог жуда ораста, йўлаларга олтинранг қумлар солинган, мармар ариқлардан тиниқ сувлар жилдираб оқади.* (П.Қодиров) 2. *Замон ёмон, жуда ёмон...*(Т.Мурод) 3. *Хўжайининг жуда ақлли-ку, сенга ўргатмаганми?* (Т.Малик) 4. *Иккаласи бир-бирини кўрарга кўзи йўқ, жуда ноаҳил экан.*(Ў.Ҳошимов). 5. *«Скорий помош»чилар Ражабовни машинага солиб кўрсалар, гирт маст бўлган.* (Т.Мурод) 6. *Асад... бекман, деб кериласан-у, аммо гирт аҳмоқсан.* (Т.Малик) 7. *Гирт чапани, аммо қўли гул йигит.* (Ў.Ҳошимов) 8. *Ҳамида бону чолвор кийиб ўлтирган бўлса ҳам, чавандозлик кийимлари унинг ингичка белини, бўлиқ кўкракларини, новдадай эгилувчан ёш танининг кучга тўлиқ нафосатини беҳад гўзал қилиб кўрсатади.* (П.Қодиров) 9. *Шундай гўзал қиз Ҳумоюнга ўғил тилаб қўлини юзига сургани йигитга беҳад ёқимли туюлди.* (П.Қодиров)

Даража функционал-семантик майдони марказининг лисоний хусусиятларига оид билимингизни қуйидаги **тест** саволлари асосида текшириб кўринг.

1. Даража функционал-семантик майдони марказий бирликларини аниқланг.

А. *Ҳаммадан/барчадан сўзи; -иш// -иш, -мтир// -имтир, -тоб, -гина// -кина// -қина қўшимчаси, -роқ*

В. Бошланғич товушини олиб, унга *п, м, с* товушини қўшиш ва ёнидан сифатнинг ўзини келтириш; *энг* сўзи

С. Махсус кучайтирувчи сўзлар, *-роқ*

Д. Такрорий сўзлар

2. Ҳаммадан сўзи қайси сўз туркумлари билан келиб, уларнинг даражасига ишора қилади?

А. Ҳаммадан +сифат, ҳаммадан + от, ҳаммадан +равиш +келишик шакли

В. Ҳаммадан +равиш, ҳаммадан +равиш +роқ, ҳаммадан+сон

С. Ҳаммадан +сифат, ҳаммадан +сифат+эгалик шакли, ҳаммадан +равиш, ҳаммадан +равиш +роқ, ҳаммадан +равиш +келишик шакли, ҳаммадан +кўмакчи

Д. Ҳаммадан + феъл, ҳаммадан+сон

3. Даража функционал-семантик майдони марказий бирликлари бўлган синтактик-морфологик воситаларни аниқланг.

А. Хиёл+сифат+роқ; -га қараганда ...роқ

В. -га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам –роқ

С. Ҳаммадан +сифат, ҳаммадан +сифат+эгалик шакли, ҳаммадан +равиш, ҳаммадан +равиш +роқ,

Д. Хиёл+сифат+роқ; -га қараганда ...роқ, -га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам –роқ

4. Белгининг нисбийлиги мавжуд бўлган сўзларни аниқланг.

А. Нақ, зап, ўта, беҳад

В. –роқ, энг

С. Жуда, ғирт, жикқа, тим

Д. А, С.

5. Тим сўзи қайси сўзнинг орттирма даражасини кўрсатади?

А. Қора

В. Кўк

С. Қизил

Д. Яшил

6. Беҳад сўзининг маънодошини топинг.

А. Ўта

В. Нақ

С. А, Д

Д. Жуда

1.4. Даража функционал-семантик майдони чеккасининг лисоний хусусиятлари

Майдоннинг чекка қисмини қуйидаги воситалар ташкил қилади: сифатнинг луғавий маъноси, отнинг луғавий маъноси, сифатдош, ибора, такрорий сўз, нолисоний восита (имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати).

Сифат. Айтилганидек, сифатнинг турли восита олган ҳолатларида белгининг ортик/камлигига белгиланган/белгиланмаган қиёсий муносабатнинг мавжудлиги уларни ҳосил қилувчи воситаларни майдон ядроси ва майдон марказида қараш имконини беради. Бироқ мавжуд адабиётларда “даража ифодаламайди”, “оддий даражани кўрсатади”, “белгининг ортик/камлилигига бетараф муносабат билдиради” кўринишидаги турфа ва, шу билан биргаликда, ҳаққоний баҳолар бу бирликларнинг белги даражасини ифодалашда мураккаб табиатга эғалигидан далолат беради. Шунинг ўзиёқ, яъни грамматик шаклсиз олинган (асос) сифатларнинг даражага ўзига хос муносабати ва бу муносабатнинг луғавий характерга эғалиги уларни майдон чеккасида қарашни тақозо қилади.

Маълумки, кўпгина сифат туркумига мансуб сўзлар белги даражасининг ортиқлигини луғавий семантик йўл билан ифодалайди. Масалан, *қилтириқ, соҳибжамол, барно, сулув, офатижон, золим, доно* каби сўзлар ўз даражаланиш қаторида белгининг ортиқ даражасини ифодалайди ва бу ифодаланиш мустақил табиатга эга эмас. Бошқача айтганда, белги даражаси даражаланиш парадигмасини зимдан идрок этиш асосида, лисоний идрок асосида англашилади.

Умрбод – абадий – мангу — тоабод – илалабад даражаланиш қаторига эътибор қаратайлик. Уларнинг семантикасидаги белги даражаланиши изоҳли луғатдаги лексикографик талқинидан ҳам маълум бўлади. Қатордаги сўзлар “мавжудликнинг чексизлиги” семемасини турли маъно бўёқлари асосида ифодалаган. “Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув луғати” тузувчилари сўзларда белги даражаси ифода семаси асосида

эканлигини таъкидлашади²³. Хусусан, улар мазкур каторни белгини ифодалашнинг кучайиши асосида тузишади. Демак, *илалабад* сўзида ифода белгиси даражаси юқорилиги, *умрбод* сўзида эса камлиги билан характерланади. Уларнинг парадигмадаги аниқ ўрни лисоний жамиятнинг барча аъзолари томонидан бирдек англалмаганлиги сабабли, даража белгиси нисбий хусусиятли ҳисобланади. Бу эса уларнинг майдоннинг чекка бирлиги эканлигини таъминлайди.

Сифат туркумидаги сўзларнинг даражаси аташ семаларига кўра ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *аччиқ – тахир – нордон – чучук – ширин* сўзлари даражаланиши белгининг (маза-таъмнинг) меъёридан ортиқ камлигига кўрадир. Ҳар бир сўз маза-таъмнинг турли даражасини ифодалайди.

Бу катордаги даражаланиш ҳам парадигматик асосда бўлиб, белгининг ортиқ-камлиги идрок асосида англашилади.

Маълум бўладики, сифатлар белги даражасининг парадигма асосида англаниши ҳар бир сўздаги белгининг номустиқил даражага эгаллигини билдиради. Ана шу номустиқиллик даражани воқелантирувчи воситанинг (луғавий маъно, парадигматик қатор) белги даражаси микромайдонидан ўрин олишини кўрсатади.

Жуфт сифатларда белгининг ортиқ даражаси луғавий-парадигматик асосда намоён бўлади. Мисоллар:

I. Қисмлари якка ҳолда ишлатиладиган жуфт сифат:

1. Ўзаро синоним қисмли жуфт сифат: *саранжом-саришта, соғ-саломат, фаҳм-фаросатли, якка-ёлғиз, якка-ю ягона, гариб-бенаво, ақл-ҳушли, ажойиб-гаройиб, бой-бадавлат, оч-наҳор, ола-чипор, пишиқ-пухта, сон-саноқсиз, сарсон-саргардон.*

2. Ўзаро антоним қисмли жуфт сифат: *узоқ-яқин, хом-пишиқ, қуюқ-суюқ, аччиқ-чучук, баланд-паст//паст-баланд, вайрон-у обод, иссиқ-совуқ, йироқ-яқин, йироқ-ёвуқ, таниш-нотаниш.*

²³ Бобожонов Ш., Исломов И. Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув луғати. Мактаб ўқувчилари учун. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 10.

3. Қисмлари ўзаро яқин маъноли жуфт: *оч-ялангоч, соя-салқин, тинч-тотув, узук-юлук, хор-зор, эзма-чурук, ўйдим-чуқур, гоявий-бадий, ижтимоий-сиёсий, мўмин-қобил, очиқ-ойдин.*

II. Битта қисми якка ҳолда ишлатиладиган жуфт сифат: *нест-нобуд, ола-була, ола-кула, синиқ-мертик, топармон-тутармон, туппа-тузук, тилка-пора, тенг-тўш, теп-текис, тўкин-сочин, увун-тўда, хом-хатала, чалакам-чатти, эгри-бугри, эски-туски, ентак-тентак, юм-юмалоқ, ямоқ-ясмоқ, қарама-қариш, қари-қури, қора-қура, ҳаром-ҳариш, аралаш-қуралаш, аччиқ-тиззиқ, бурма-чурма, бўлтак-сўлтак, девор-дармиён (қўшни), енгил-елпи, ёлгон-яшиқ, ёш-яланг, илма-тешиқ, йиртиқ-сиртиқ, калта-култа, кир-чир, майда-чуйда, маст-аласт.*

III. Қисмлари якка ҳолда ишлатилмайдиган жуфт сифат: *зим-зиё, иланг-биланг, пойинтар-сойинтар (ган), дали-гули, ажи-бужу (ёзув), алмойи-алжойи, апоқ-чапоқ, алоқ-чалоқ (туш), ували-жували, ўпоқ-сўпоқ.*

От. Сўзларнинг транспозитив характери муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тилшунослигида сўз туркумларининг кўчиши масаласи сифатида қаралувчи ва ҳар доим сўз туркумлари чегарасини белгилашда халақит берувчи, муаммога сабаб бўлувчи бу ҳолат тилшунос Ж.Элтазаров томонидан атрофлича ўрганилди²⁴.

Бир туркумга бошқа туркумдан кирган сўзлар кўп ҳолларда шу туркумга хос грамматик хусусиятларга эга бўлади. Масалан, от туркумидан сифатга кўчган сўзларда белги даражаси сўзнинг луғавий маъносидан англашилиб туради. Масалан, *ёш, қари, чол, мўйсафид, касал, бемор, йигит, қиз, ўғил, кампир* каби сўзларда белги даражаси парадигматик асосларда ифодаланади ва луғавий табиатга эга бўлади.

Соф сифат туркумида бўлгани каби, отдан кўчган (сифатлашган) сўзларда ҳам белги даражаси коннотатив ёки денотатив характерга эга бўлиши мумкин. Масалан, *касал* ва *бемор* сўзларидаги даражаланиш

²⁴ Элтазаров Ж. Д. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 42 б.

коннотатив табиатли бўлиб, сўзлар ўзаро қайси услубга хослиги ва шу асосда қўлланиш даражасига кўра фарқланади. *Ёш, қари* сўзлариаро белги даражаси денотатив характерга эга бўлса, *қари* ва *мўйсафид* сўзларидаги белги даражаси фарқи ифода семаларига таянади.

Сифатдош. Сифатдош сифатга хос синтактик, қолаверса, семантик табиатга эга бўлар экан, унинг семантикасида даражани кўрсатишга интилиш икки хил асосда намоён бўлади.

Биринчидан, ҳаракат миқдори даражасининг мавжудлиги сифатдошда ҳам, у тўлақонли феъл семантикасига эга бўлганлиги боис, ўз-ўзидан намоён бўлади. *Йиғлагандай, йиғламсираган, кўп йиғлаган* кабиларда даража белгиси грамматик восита орқали ифодаланган. Белгининг ортик/камлиги парадигматик қаторсиз, луғавий маъносиз тўғридан-тўғри грамматик восита орқали ифодаланаверади.

Иккинчидан, белги даражаси парадигматик асосда, луғавий маъно воситасида юзага чиқади: *фахрланмоқ - гурурланмоқ, мағрурланмоқ; гангимоқ – довдирамоқ – эсанкирамоқ – ўзини йўқотмоқ* каби.

Парадигматик асосда воқеланувчи белги даражасига эга қатордаги белги денотатив ёки ифода табиатига эга бўлиши мумкин:

а) денотатив табиатли даража қатори: *гавдалантирмоқ – хаёл сурмоқ - ҳукм чиқармоқ; илимоқ – исимоқ – қайнамоқ; исимоқ – совимоқ – музламоқ; жилмоқ – қўзғалмоқ – ўрмаламоқ – юрмоқ – югурмоқ – чопмоқ – елмоқ* каби;

б) ифодавий табиатли даража қатори: *жилмаймоқ – кулимсирамоқ – илжаймоқ – тиржаймоқ – иишаймоқ – иршаймоқ; инграмоқ – синграмоқ – ичкирмоқ – йиғламоқ – сиқтамоқ; истамоқ – хоҳламоқ – тусамоқ – орзуламоқ – орзу қилмоқ – тиламоқ – ихтиёр қилмоқ – соғинмоқ* каби.

Ибора. Таъкидланганидек, иборада белги даражаси семантикасида “ортиқлик” семаси устуворлик қилиб, унда ҳам ана шу ортиқлик луғавий-парадигматик асосда ва мустақил ҳолда юзага чиқиши мумкин. Белги даражаси мустақил ҳолда юзага чиқувчи иборалар даражаланувчи соф сифат

иборалар бўлиб, уларнинг бу хусусияти белги даражасини ифодаловчи ядро ва марказ бирликлари таҳлили доирасида қаралади.

Микромайдон чекка бирликлари сирасида эса луғавий-парадигматик асосли белги даражасига эга бўлган иборалар қаралиши мақсадга мувофиқ. Масалан, *кайфи хуш* ва *кайфи чоғ* иборалари яхши кайфиятнинг турли даражасини ифодалайди ва иборалардаги фарқ денотатив табиатга эга. Шу билан биргаликда, улар орасида ифода жиҳатдан фарқ ҳам кўзга ташланади. Чунки *кайфи чоғ* иборасидаги кўтаринкилик *кайфи хуш* бирлигидагига нисбатан бирмунча юқорилиги билан характерланади.

Белги даражаси сифат ибораларда яққол кўзга ташланади. Шунингдек, феъл ибораларда даражанинг луғавий-парадигматик ифодаланиши, колаверса, сифатдош ибораларда ҳам мустақил (сифатга яқинлашгани учун), ҳам луғавий-парадигматик воқеланиш мавжуд. Масалан, *тоби қочди - мазаси қочди* – *мазаси кетди* феъл ибораларидаги даража воқелантирувчиси луғавий-парадигматик табиатлидир. *Тоби қочган* – *тоби қочганроқ* – *жуда тоби қочган* қаторидаги даража маъноси фарқи мустақил ҳолда, белги даражаси микромайдони ядро ва марказ бирликлари орқали ифодаланган.

Такрорий сўз. Айрим такрорий сўз ўзининг якка қўлланганидан фарқли равишда даража маъносини юзага чиқаради. Масалан, от туркумига мансуб сўзлар якка ҳолда қўлланганда мустақил ҳолдаги белги даражаси бетараф муносабатда бўлади. Лекин такрорий шакл касб этгач, ўз-ўзидан белгининг ортиқ даражаси намоён бўлади. *Тог* сўзи *қир*, *адир* сўзлари қаторида луғавий-парадигматик даража ифодаланишига эга бўлади. Бироқ у *тоғ-тоғ* (хирмон) шаклида нутқий жиҳатдан сифатга яқинлашади ва белгининг (ёки миқдорнинг) ортиқ даражасини кўрсатиш учун хизмат қилади. Бу ҳодиса сон-миқдор микромайдони маъносини воқелантирувчи восита сифатида Ф.Сафаров тадқиқотида ҳам тилга олинган²⁵

²⁵ Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – 24 б.

Такрорий сифатларда ҳам белгининг ортиқ даражаси луғавий-парадигматик асосда ифодаланади: *бурда-бурда, йўл-йўл* (отдан кўчган), *оппоқ-оппоқ, яхши-яхши, катта-катта, ширин-ширин* каби²⁶.

Сўз бирикмаси. Сўзларнинг ўзаро бирикиши натижасида грамматик (морфологик) йўл билан ифодаланиши мумкин бўлган ҳолатлар юзага чиқади. Бунда белги ифодаловчи сўз ҳам, унинг ортиқлигини ёки камлигини кўрсатувчи сўз ҳам мустақил ҳолда даражани ифодалай олади. Қиёсланг: *Салим ҳаммадан ақлли – Салим ҳаммадан ақлли*. Бунда *ҳаммадан* сўзшакли икки қуршовда икки хил воқеланишга эга. Биринчи қурилмада *ҳаммадан ақлли* бирикмаси кесим вазифасида келган бўлиб, бу *ақлли* сўзининг мантикий урғуси билан мустаҳкамланган. Чунки мантикий урғу белгининг даражасига эмас, балки белгининг ўзига кўпроқ ишора қилади ва даражага муносабат иккинчи ўринга сурилади. Иккинчи жумлада мантикий урғу *ҳаммадан* сўзига тушган ва бу ҳолатда белгининг қиёсига эътибор кучайганлиги кузатилади. Бу эса *ҳаммадан* сўзининг мустақил гап бўлаги мақомига эга бўлишини таъминлайди. Натижада биринчи гапдаги даражани ифодаловчи восита (*ҳаммадан*) иккинчи жумладаги майдон чеккасидан ўрин олувчи воситадан синтактик мавқеи жиҳатидан кескин фарқланади.

Бир сўз шаклнинг ўзи турли қуршовда, турли синтактик боғланишларда белгининг турли даражасини ифодалай олади. Шоир Ғ.Ғулом шеърдан олинган қуйидаги мисраларда *гўзал* сўзининг синтактик қуршовларига кўра сўз семантикасидаги белги даражасини кучайтириб борганлигига амин бўламиз:

Гўзаллик қизларда

Соз каби сўзларда

Гўзаллик ишлайиши

Гўзалдир унган иш

Ул қаро кўзларда

Деганлар янглишар.

Манглайин терлатиш

Мақтанса ярашур.

²⁶ Менглиев Б., Холиёров Ш. Ўзбек тилидан универсал қўлланма –Т.: Фан, 2007. – Б. 337-338.

Кўриниб турибдики, *унган иш* бирикмаси билан боғланиш ҳосил қилган ҳолатда *ғўзал* сўзининг маъносида белгининг кучайтирилиши матнга боғлиқ равишда юзага чиққанлигига амин бўлиш мумкин.

Нолисоний восита. Майдон чеккасидан қатор нолисоний воситалар ҳам ўрин олади. Майдон воситаларининг бу тури ижтимоий аҳамиятга эга бўлган экстралингвистик омиллардир. Бу омилга белги даражасининг мантиқан аёнлиги, тана аъзолари (қўл, бармоқ, бош, лаб, кўз) билан имо- ишора қилиш кабилар мансубдир. Нолисоний омил сўзлашувда субъектнинг хатти-харакати, ёзма нутқда муаллиф нутқи орқали юзага чиқади ва бунда белгининг ортиқчалиги ёки меъёрийлиги каби ҳолатлар яққол намоён бўлади.

Тана аъзолари белгининг ортиқ даражасини ифодаловчи нолисоний воситалар сирасида алоҳида ўрин тутди.

Белгининг ортиқ даражасини ифодалашда қўл ва бармоқ ҳаракатларининг ўрни алоҳида. Масалан, бирор нарсанинг белги жиҳатдан кучлилигини ифодалашда бошқа бармоқларни йиғиб, бош бармоқни тик қилишдан фойдаланиш кенг учрайди:

-Ишларингиз қандай?

У жавоб ўрнига бош бармоғини ҳавога нуқиб кўрсатди.

Бунда бош бармоқ ҳолати “ишим зўр” деган маънони англатади. Икки қўлни бир-бирига қаттиқ сиқиб қўйиш асосида ҳам белгининг ортиқлиги ифодаланиши мумкин. Масалан:

- Муносабатларингиз яхшими?

У икки кафтини сиқиб силкиди.

Бўйинга кафтни арра қилиб кўрсатиш орқали ҳам бирор белгининг ортиқлигини ифодалаш мумкин.

Белгининг меъёрийлиги ўзаро сўрашишларда *шукр, худога шукр, раҳмат, алҳамдулиллоҳ* каби клешелар воситасида ҳам намоён бўла олади.

Бу воситалар нафақат белги даражаси микромайдони, балки бошқа даража микромайдонига хос тушунчаларни ифодалаш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятга эга. Бу эса уларнинг майдон чеккасига сурилишига олиб келган.

Кўриниб турибдики, белги даражаси микромайдони чекка воситаларида белгининг ортиқ-камлиги лисоний ва нолисоний воситалар ёрдамида ифодаланар экан, бунда қиёс ноль даражага тушиб, асосан, ортиқлик ёки камликка эътибор қаратилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Даража функционал-семантик майдони чеккаси, сифатнинг луғавий маъноси, отнинг луғавий маъноси, сифатдош, ибора, такрорий сўз, нолисоний восита (имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати), даража функционал-семантик майдони ядроси, даража функционал-семантик майдони маркази, жуфт сифат, қисмлари якка ҳолда ишлатиладиган жуфт сифат, ўзаро синоним қисмли жуфт сифат, ўзаро антоним қисмли жуфт сифат, қисмлари ўзаро яқин маъноли жуфт сифат, битта қисми якка ҳолда ишлатиладиган жуфт сифат, қисмлари якка ҳолда ишлатилмайдиган жуфт сифат, от туркумидан сифатга кўчган сўзлар, белги даражаси, сўзнинг луғавий маъноси, денотатив табиатли даража қатори, ифодавий табиатли даража қатори.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Қайси воситалар даража функционал-семантик майдонининг чекка қисмини ташкил этади?
2. Қайси сифатлар белги даражасининг ортиқлигини луғавий семантик йўл билан ифодалайди?
3. Сифат туркумидаги қайси сўзларнинг даражаси аташ семаларига кўра ҳам бўлиши мумкин?
4. Қандай сифатларда белгининг ортиқ даражаси луғавий-парадигматик асосда намоён бўлади?

5. От туркумидан сифатга кўчган қайси сўзларда белги даражаси луғавий маъносидан англашилиб туради?
6. Сифатдош семантикасида белги даражасининг луғавий маъно воситасида юзага чиқишига мисоллар келтиринг.
7. Луғавий-парадигматик асосли белги даражасига эга бўлган ибораларга мисоллар келтиринг.

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР:

1-ТОПШИРИҚ: Жадвалда акс эттирилган майдоннинг чекка қисмини ташкил этадиган воситаларга мисоллар келтиринг.

Сифатнинг луғавий маъноси	Отнинг луғавий маъноси	Сифатдош	Ибора	Такрорий сўз	Нолисоний восита

2-ТОПШИРИҚ: Берилган матн таркибидан белги даражасининг ортиқлигини луғавий семантик йўл билан ифодалайдиган сифатларни топинг.

1. *Қушнинг қанотидай бошда рўмоллар Хуррам ишлашарди соҳибжамоллар.* (М.Алавия) 2. *Қилмоқ бўлиб бек сайри –саҳро, Йигиб талай гўзал ва барно.* (Ғайратий) 3. *Шу ондаёқ айланди бошим, Шу ондаёқ бўлдим паришон. Шу ондаёқ ўртанди таним, Қайдан келдинг эй, офатижон?* (Уйғун) 4. *Нодон сўзлар –доно ибрат олар.* (Мақол) 5. *–Бориб айтинг ўшал золим йигитга, Унинг ишқи бу бағримга туташди.* (Ҳ. Ғулом) 6. *Муҳаббат бой зиндонидан абадий қутулган ва у бойнинг бутун сирларини олиб қочган эди.* (С. Айний) 7. *Сенсан менинг жонажон, азиз Ватаним, Гўзал умрим баҳори, мангу чаманим.* (Ғайратий) 9. *Кўкрагимда яшар то абад, Ҳаёт тақиб қўйган гулдаста.* (Уйғун) 10. *Нигорага бораман; оёғига тиз чўкиб, умрбод юрагимни сизга бағишладим, дейман.* (С.Анорбоев)

2-ТОПШИРИҚ: Намунага қараб жадвални тўлдилинг.

Қисмлари якка ҳолда ишлатиладиган сифатлар	Битта қисми якка ҳолда ишлатиладиган сифатлар	Қисмлари якка ҳолда ишлатилмайдиган сифатлар
Ола-чипор, пишиқ-пухта,	Аралаш-қуралаш, аччиқ-тиззиқ,	Ували-жували, ўпоқ-сўпоқ,

3-ТОПШИРИҚ: “Форум” усули (мунозарали ёки муаммоли матнга хулоса чиқариш) асосида қуйидаги матнга хулоса ёзинг. Хулоса баёнида майдоннинг чекка қисмини ташкил этадиган воситалардан фойдаланинг.

...Уйнинг тўрига солинган атлас кўрна, пар ёстиқ қучоғида совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйгоқ ётган бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томониغا тартибсиз сурабда тўзғиб, қуюқ жинггила кирпак остидаги тимқора кўзлари бир нуқтага тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийиғ қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек губорсиз оқ юзи бир оз қизилликка айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиъатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди. Сариқ рупоҳ атлас кўйнакнинг устидан унинг ўртасида кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўлтургач бошини бир силкитди-да ижирганиб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзгизган соч толалари ўраб олиб жонсўз бир суракка киргизди. Бу қиз суракда кўринган малак Қутодорнинг қизи –Кумушбиби эди. (А.Қодирий)

Даража функционал-семантик майдони чеккасининг лисоний хусусиятларига оид билимингизни қуйидаги **тест** саволлари асосида текшириб кўринг.

1. Майдоннинг чекка қисмини қайси воситалар ташкил қилади?

А. Сифатнинг луғавий маъноси, отнинг луғавий маъноси, сифатдош, ибора, такрорий сўз, нолисоний восита (имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати).

В. Такрорий сўз, нолисоний восита (имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати).

С. Отнинг луғавий маъноси, сифатдош, ибора, такрорий сўз

Д. А,В

2. Қайси сўзлар белги даражасининг ортиқлигини луғавий семантик йўл билан ифодалайди?

А. Сулув, офатижон, золим, доно

В. Қилтирик, соҳибжамол, барно

С.А, В

Д. Маккор, ботир, хушбўй

3. Қайси сифатларда белгининг ортиқ даражаси луғавий-парадигматик асосда намоён бўлади?

А. Саранжом-саришта, соғ-саломат, фаросатли, ягона, бадавлат, саноқсиз

В. Қуюқ, суюқ, баланд, паст, иссиқ, совуқ, таниш, нотаниш

С. Оч-яланғоч, соя-салқин, тинч-тотув, узук-юлук, эзма-чурук, мўмин-қобил

Д. Ола-кула, туппа-тузук, тилка-пора, текис, тўкин, эски, юмалоқ

4. Қайси сўзларда белги даражаси сўзнинг луғавий маъносидан англашилиб туради?

А. Ёш, қари, чол, мўйсафид, касал, бемор, йигит, қиз, ўғил, кампир

В. Ширин, баланд, текис, қизил

С. Гул, майса, улуғ, кенг

Д. Дарахт, осмон, шамол, қор

5. Қайси қаторда белгининг ортиқ даражаси луғавий-парадигматик асосда ифодаланган?

А. Бурда-бурда, йўл-йўл , оппоқ-оппоқ, яхши-яхши, катта-катта, ширин-ширин

В. Яхши-яхши, катта-катта, ширин-ширин

С. А, В

Д. Қуюқ, суюқ, баланд, паст, иссиқ, совук, таниш, нотаниш

6. Қайси тана аъзолари белгининг ортиқ даражасини ифодалайди?

А. Қўл, бармоқ

В. Бош, кўз

С. Лаб

Д. А,В,С

2. ДАРАЖА ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОНИ ВОСИТАЛАРИНИНГ НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИ

2.1. Даража функционал-семантик майдони ядроси бирликларининг нутқий воқеланиши

Лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши ва нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши бир неча жиҳатлари билан зидланади.

Биринчидан, нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши «алоҳидалик-махсуслик-умумийлик» тамойили ва «нутқ-лисон» методологияси асосида амалга оширилади. Лисоннинг нутқий воқеланиши эса «умумийлик-махсуслик-алоҳидалик» тамойили ва «нутқ-лисон» методологияси асосида кузатилади. Бунда «амалга оширилади» ва «кузатилади» сўзларининг маъносига эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши ва лисоннинг тикланиши соф субъектив ҳодиса. Лисоннинг нутқий воқеланиши эса объектив воқелик бўлиб, у бизнинг хоҳиш-иродамизга боғлиқ эмас.

Учинчидан, нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилишида турли ҳодисалар – лингвистик ва экстралингвистик унсурларнинг таъсири, умумлаштирилаётган ҳодисадаги инъикосидан воз кечилади, улар эътибордан соқит қилинади. Лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишида эса айнан шу ҳодисалар – воқеланаётган бирликка бошқа тил ҳодисалари, экстралингвистик омилларнинг таъсири тадқиқотчи диққат марказида бўлади.

Тўртинчидан, нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилишида семантик яхлитлашиш устуворлашади, лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишида семантик фарқланиш кучаяди.

Лисон нутқда воқеланар экан, бунда бирликнинг семантик қамрови ва воқеланиш имкониятларига кўра воқеланиш поғонаси сони турлича бўлиши мумкин. Шунингдек, лисоний бирликнинг семантикаси, у қайси сатҳ бирлиги бўлишига боғлиқ равишда, ўзга сатҳларнинг воқеланишга таъсири турлича

бўлади. Хусусан, агар воқеланувчи бирлик морфологик бўлса, бунда лексик бирлик (морфема бирикаётган сўз) нинг унга таъсири кучли бўлиб, бошқа сатҳларнинг таъсири сезилар-сезилмас бўлади. Воқеланаётган ҳодиса лексик бирлик бўлса, морфологик ва синтактик ҳодисаларнинг воқеланишга таъсирида уларнинг бирортасига устуворлик бериб бўлмайди. Синтактик бирликларнинг нутқий воқеланишида ҳам ўзга сатҳлар ҳамкорлиги кузатилади²⁷.

Ҳар қандай лисоний бирлик шакл ва мазмуннинг яхлит бирлигидан иборат. Шундай экан, *-роқ* шаклида ҳам бу ҳолат кузатилади. Бироқ, эътибор қилинса, *-роқ* шакли шу ҳолича ўз семантик имкониятини рўёбга чиқара олмайди. Бу морфемаларнинг (лексемалардан фарқли равишда) барчасида мавжуд ҳолат. Лексемаларнинг мустақил қўллана олиш ва морфемаларнинг мустақил қўлланишга эга эмаслик хусусияти улардаги шакл масаласига алоҳида эътибор қаратишга асос бўлади²⁸.

-роқ шакли сифат, равиш ва қисман феъл туркумига мансуб сўзлар билан биргаликда келади ва унинг моҳияти ҳақида сўз кетганда, уларсиз иш кўриш мумкин эмас. *-роқ* грамматик шакл эмас, балки грамматик восита (грамматик шакл ҳосил қилувчи) бўлиб, унинг шакл ва мазмунини яхлит ва тўлиқ ифодалаш зарурати туғилганда, буларсиз иш юритиб бўлмайди.

Шундай экан, *-роқ* воситасининг тўлиқ лисоний моҳияти (шакл ва мазмун яхлитлиги сифатида) **[белги/миқдор/ҳаракат билдирувчи сўз + *роқ* = белгиланган қиёсий белги даражаси]** кўринишига эга бўлади. Бунда учала микромайдон бирликларига хос денотатив ҳолат қамраб олинган. Чунки *-роқ* шакли сифат, равиш, феъл туркумларига мансуб сўзлар билан бирикиб, белгининг ҳам, ҳаракатнинг ҳам, миқдорнинг ҳам даражасини ифодалайди.

²⁷ Менглиев Б. Р. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 2002. – Б. 40-41.

²⁸ Ҳожиёв А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. – № 4. – Б. 46-49; Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлигида лексик сатҳ ва унинг бирлиги масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 6. – Б. 29-32.

Англашиладики, -роқ шаклли қолипнинг нутқий воқеланишида умумий маъно фарқланиши учун грамматик омил ҳал қилувчи роль ўйнаса, микромайдон ядровий воситаси сифатида қолипнинг то нутқий воқеланишгача бўлган ҳолатларида луғавий-маъновий омил, нутқий маъноларнинг фарқланиши учун турли лисоний ва нолисоний омиллар муҳим ўрин тутади.

Энг сўзли шаклнинг нутқий воқеланиши. *Энг* сўзи белги даражасини воқелантирувчи номустақил лексик бирлик сифатида юзага чиққанлиги боис ҳам уни ўзи бирикаётган сўз умумийлиги асосидаги морфологик қолип таркибида кузатиш лозим бўлади. *-роқ* шакли каби *ENG* сўзи ҳам белги, миқдор, ҳаракат/ҳолат (сифатдош) билдирувчи сўзлар билан бирга қўлланиб, (*-роқ* кўрсаткичи даражасида бўлмаса-да), ҳар учала микромайдон учун умумий, белги ва миқдор микромайдонлари учун эса зарурий восита сифатида намоён бўлади. Шунинг учун *ENG* сўзли қолипни [Энг+белги/миқдор/ҳаракат/ҳолат билдирувчи сўз белгининг ортиқлик даражасини белгиланмаган/белгиланган қиёс асосида ифодалаш] тарзида таърифлаш мумкин.

Энг шаклли даража воситасининг нутқий воқеланишида грамматик (морфологик) ва луғавий воситалар муҳим фарқловчи омил бўлиб хизмат қилади. Хусусий маъноларни фарқлашда морфологик, синтактик, услубий, ва, албатта, нолисоний омилларнинг роли устувордир.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Даража функционал-семантик майдони ядроси бирликлари, лисоний бирлик, нутқий воқеланиш, нутқий ҳодиса, «алоҳидалик-махсуслик-умумийлик» тамойили, «умумийлик-махсуслик-алоҳидалик» тамойили, «нутқ-лисон» методологияси, -роқ шакли, сифат, равиш, феъл, грамматик шакл, грамматик восита, [белги/миқдор/ҳаракат билдирувчи сўз + роқ = белгиланган қиёсий белги даражаси], луғавий-маъновий омил, нутқий маъно,

[энг+белги/миқдор/ҳаракат/ҳолат билдирувчи сўз, белгининг ортиқлик даражаси, белгиланмаган/белгиланган қиёс.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ :

1. –роқ шакли қайси сўз туркумларига оид сўзлар билан биргаликда намоён бўлади?
2. –роқ воситасининг тўлиқ лисоний моҳияти қандай кўринишга эга бўлади?
3. Лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши ва нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши қайси жиҳатлари билан зидланади?
4. –роқ шаклли қолипнинг нутқий воқеланишида қайси омиллар аҳамият касб этади?
5. Энг шаклли даража воситасининг нутқий воқеланишида қайси воситалар фарқловчи восита бўлиб хизмат қилади?
6. Энг шаклли даража воситасининг хусусий маъноларини фарқлашда қайси омилларнинг ўрни устувор ҳисобланади?

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР:

1-ТОПШИРИҚ. Берилган жадвални тўлдиринг.

№	–роқ шаклли қолипнинг нутқий воқеланиши	Мисоллар
1.	[характер/хусусият белгисини билдирувчи сўз + роқ = белгиланган қиёсий белги даражаси] ҳосиласи	
2.	[ҳолат белгисини билдирувчи сўз + роқ = белгиланган қиёсий белги даражаси] ҳосиласи	
3.	[ранг/тус белгисини билдирувчи сўз + роқ = белгиланган қиёсий белги даражаси] ҳосиласи	
4.	[шакл/кўриниш белгисини билдирувчи сўз + роқ = белгиланган қиёсий белги даражаси] ҳосиласи	
5.	[ҳажм/ўлчов белгисини билдирувчи сўз + роқ = белгиланган қиёсий белги даражаси] ҳосиласи	
6.	[маза/таъм белгисини билдирувчи сўз + роқ = белгиланган қиёсий белги даражаси] ҳосиласи	

2-ТОПШИРИҚ. “Бу меники!” грамматик ўйини усулидан фойдаланиб, “Характер/хусусият белгисини билдирувчи сўзлар”, “Ҳолат белгисини билдирувчи сўзлар”, “Ранг/тус белгисини билдирувчи сўзлар”, “Шакл/кўриниш белгисини билдирувчи сўзлар”, “Ҳажм/ўлчов белгисини билдирувчи сўзлар”, “Маза/таъм белгисини билдирувчи сўзлар” гуруҳларига бўлининг. Қуйидаги сўзлардан ўзингизга тегишлисини танлаб олинг.

1. Танисангиз керак, бозорда вайсақироқ бир жувон ўтиради. 2. Ваъдабозроқ йигит бўлгани учун ҳам менга ёқмади. 3. Дўконга виждонлироқ сотувчини топиб қўйишим керак. 4. Бу қийинроқ масалага ўхшайди. 5. У ғалатиروқ қизга ўхшайдими? 6. Эшитдингизми, яқинда Бухорода кўҳнароқ бир қазилма топилди. 7. Мастроқ кишига ўхшатдим. 8. Жиянимнинг шаҳарда машҳурроқ хонандадан таниши бор. 9. Унинг кўзлари мовийроқ эди. 10. Пуштироқ рангли рўмол олишим керак. 11. Биз буни яшилроқ рангга бўямиз. 12. Эсимда, хона ўртасига думалоқроқ стол қўйилган эди. 13. Яссироқ тоғларга чиқдик. 14. Ҳовлига қийшиқроқ эшикдан кириб борилади. 15. Дўнгроқ пенюнасини тириштирди. 16. Укажсон, текисроқ йўлдан ҳайданг. 16. Мўъжазроқ хонага кириб жойлашишди. 17. Каттароқ бир ҳовли сотиб олиб бу ерлардан кўчиб кетамиз. 18. Ўғлингни кичикроқ тўй қилиб уйлаб қўй. 19. Оғирроқ юкингизни менга беринг. Кўтаришиб бораман. 20. Сиз каттасиз, вазминроқ бўлинг. 21. Ҳали ёш-да, енгилроқ ўйлабди. 22. Аччиқроқ мастава тайёрлаб қўйдим. Ичиб кетинг. 23. Ширинроқ гапирсангиз бўлмайдими?! 24. Дунёда она сўзидан ҳам лазизроқ сўз борми?! 25. Кўзимга оқроқ кўринган эди. 26. Узунчоқроқ юзига ғам кўланка ташилаган.

3-ТОПШИРИҚ. Берилган жадвални тўлдилинг.

№	Энг шакли қолипнинг нутқий воқеланиши	Мисоллар
1.	[энг+белги билдирувчи сўз = белгининг ортиқлик даражасини белгиланмаган/белгиланган қиёс асосида ифодалаш]	
2.	[энг+миқдор билдирувчи сўз = белгининг ортиқлик даражасини белгиланмаган/белгиланган қиёс асосида ифодалаш]	
3.	[ҳаракат/ҳолат билдирувчи сўз = белгининг ортиқлик даражасини белгиланмаган/белгиланган қиёс асосида ифодалаш]	

Даража функционал-семантик майдони ядроси бирликларининг нутқий воқеланишига оид билимингизни қуйидаги **тест** саволлари асосида текшириб кўринг.

1. Лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши ва нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши қайси жиҳатлари билан зидланади?

А. Нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши «алоҳидалик-махсуслик-умумийлик» тамойили ва «нутқ-лисон» методологияси асосида амалга оширилади. Нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилиши ва лисоннинг тикланиши соф субъектив ҳодиса бўлса, лисоннинг нутқий воқеланиши эса объектив воқеликдир.

В. Нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилишида турли ҳодисалар – лингвистик ва экстралингвистик унсурларнинг таъсири, умумлаштирилаётган ҳодисадаги инъикосидан воз кечилади, улар эътибордан соқит қилинади. Лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишида эса айнан шу ҳодисалар – воқеланаётган бирликка бошқа тил ҳодисалари, экстралингвистик омилларнинг таъсири тадқиқотчи диққат марказида бўлади.

С. Нутқий ҳодисаларнинг умумлаштирилишида семантик яхлитлашиш устуворлашади, лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишида семантик фарқланиш кучаяди.

Д. А, В, С

2. -роқ воситасининг тўлиқ лисоний моҳияти қандай кўринишга эга бўлади?

А. [Белги билдирувчи сўз + *роқ* = белгиланган қиёсий белги даражаси] кўринишига эга бўлади.

В. [Микдор билдирувчи сўз + *роқ* = белгиланган қиёсий белги даражаси] кўринишига эга бўлади.

С. А, В, Д

Д. [Ҳаракат билдирувчи сўз + *роқ* = белгиланган қиёсий белги даражаси] кўринишига эга бўлади.

3. -роқ шаклли қолипнинг нутқий воқеланишида умумий маъно фарқланиши учун қайси омил ҳал ўрин тутади?

А. Луғавий-маъновий омил

В. Лисоний омил

С. Нолисоний омил

Д. Грамматик омил

4. –роқ шаклли қолипнинг микромайдон ядровий воситаси сифатида нутқий воқеланишгача бўлган ҳолатларида қайси омиллар муҳим ўрин тутади?

А. Луғавий-маъновий омил

В. Лисоний омил

С. Нолисоний омил

Д. А, В, С

5. *Энг* сўзи қандай сўзлар билан қўлланади?

А. Белги билдирувчи сўзлар

В. Микдор билдирувчи сўзлар

С. А, В, Д

Д. Ҳаракат/ҳолат (сифатдош) билдирувчи сўзлар

2.2. Даража функционал-семантик майдони маркази воситаларининг нутқий воқеланиши

Ҳаммадан/барчадан сўзларининг бошқа даражаланувчи туркумларга хос кўринишидан фарқли равишда белги даражасини ифодаловчи восита сифатидаги маъноси «орттирма даражанинг белгиланган қиёсий даражаси» умумий грамматик маъносига эга бўлиб, *[ҳаммадан/барчадан + шахсни тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахсни тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси]* морфологик қолипнинг таркибий қисмидир.

Қолипнинг оралиқ кўринишларини фарқловчи дастлабки восита морфологик табиатга эга. Чунки бу қолип шу кўринишда, модификациясиз воқеланишга эга эмас. Эгалик қўшимчаси воситасида морфологик қолип *[ҳаммадан/барчадан + шахсни тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахсни тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси]* ва *[ҳаммасидан/барчасидан + умуман даражаланувчи сифат = сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси]* кўринишида тармоқланади. Қолип сифатнинг даражаланувчи барча луғавий-маъновий гуруҳлари учун бирдай хизмат қилади. Шу боисдан қолипнинг кейинги тармоқланиши ушбу маъновий гуруҳлар воситасида бўлиб, фарқловчи восита соф луғавий-маъновий табиатга эгадир.

Демак, *[ҳаммадан/барчадан + шахсни тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахсни тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси]* морфологик қолипини синтактик қолипдан мантиқий-фонетик ва ўзига ёндош оралиқ қолипдан морфологик қолип фарқлайди ва нутққа олиб чиқади. Турли эгалик шаклидаги *[ҳаммасидан/барчасидан + умуман даражаланувчи сифат = сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси]* қолипи модификацион кўринишлари

семантик омил (шахс ва сон маънолари асосида) фарқланади ва қолипнинг кейинги тармоқланиши сифатнинг даражаланувчи луғавий-маъновий гуруҳлари асосида содир бўлади.

-иш//зиш, -мтир//имтир, -тоб, -гина//кина//қина воситали қолиплар ҳам айрим сўзлар билан чекланган ва уларнинг ҳам воқеланиши парадигматик ва лексик омиллар асосида рўй беради.

[хиёл+сифат+роқ = сифатий белгининг белгиланмаган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси], [от+ -га қараганда+сифат ...роқ сифатий белгининг белгиланган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси] (вариантлари, *-га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам –роқ* воситали) каби синтактик-морфологик, юқорида айтилганидек, *-роқ* шаклли морфологик қолипнинг ҳосилалари бўлиб, улар майдон марказий воситалари сифатида намоён бўлади. Бу қолипларни фарқловчи омиллар лексик-морфологик-синтактик характерга эга.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Ҳаммадан/барчадан сўзи, орттирма даражанинг белгиланган қиёсий даражаси, [ҳаммадан/барчадан + шахсни тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахсни тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси], ҳаммасидан/барчасидан + умуман даражаланувчи сифат = сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси], [хиёл+сифат+роқ = сифатий белгининг белгиланмаган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси], [от+ -га қараганда+сифат ...роқ сифатий белгининг белгиланган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси], -га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам –роқ; морфологик қолип, синтактик қолип, мантиқий-фонетик қолип; -иш//зиш, -мтир//имтир, -тоб, -гина//кина//қина воситали қолиплар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. *Ҳаммадан/барчадан* сўзларининг умумий грамматик маъноси қайси қолипнинг таркибий қисми саналади?
2. Қайси қолип сифатнинг даражаланувчи барча луғавий-маъновий гуруҳлари учун бирдай хизмат қилади?
3. Қайси синтактик-морфологик қолиплар *–роқ* шаклли морфологик қолипнинг ҳосилалари саналади?
4. Синтактик-морфологик қолипларни фарқловчи омиллар қандай характерга эга?

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР:

1-ТОПШИРИҚ. Берилган жадвални тўлдиринг.

№	Жуда сўзининг нутқий воқеланиши	Мисоллар
1.	[жуда + белги билдирувчи сўз = сифатий белгининг белгиланмаган қиёсий орттирма даражаси]	
2.	[жуда + миқдор билдирувчи сўз = миқдорий белгининг белгиланмаган қиёсий орттирма даражаси]	
3.	[жуда + ҳолат билдирувчи сўз = ҳолат белгисининг белгиланмаган қиёсий орттирма даражаси]	

2-ТОПШИРИҚ. Берилган жадвални тўлдиринг.

№	Майдон марказий бирликларининг нутқий воқеланиши	Мисоллар
1.	[хиёл+сифат+роқ = сифатий белгининг белгиланмаган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси]	
2.	[от+ -га қараганда+сифат ...роқ сифатий белгининг белгиланган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси]	
3.	[оч/ним + ранг билдирувчи сўз = рангнинг белгиланмаган қиёсий камлиги даражаси]	
4.	-га нисбатан ...роқ	
5.	-дан кўра ...роқ	
6.	-дан ҳам –роқ	

Даража функционал-семантик майдони маркази воситаларининг нутқий воқеланишига оид билимингизни қуйидаги тест саволлари асосида текшириб кўринг.

1. [Ҳаммадан/барчадан + шахсни тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахсни тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси] қолипни қайси қолип нутққа олиб чиқади?

- А. Морфологик қолип
- В. Синтактик қолип
- С. Мантиқий-фонетик
- Д. Синтактик қолип, морфологик қолип

2. Турли эгалик шаклидаги [ҳаммасидан/барчасидан + умуман даражаланувчи сифат = сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси] қолипи модификацион кўринишларида қайси омил фарқланади?

- А. Луғавий-маъновий омил
- В. Лисоний омил
- С. Нолисоний омил
- Д. Семантик омил

3. –иш//–гиш, –мтир//–имтир, –тоб, –гина//–кина//–қина воситали қолипларнинг воқеланиши қайси омиллар асосида рўй беради?

А. Парадигматик ва лексик омиллар

- В. Парадигматик омил
- С. Лексик омил
- Д. Синтактик омил

4. –роқ шакли морфологик қолипнинг ҳосилаларини аниқланг.

А. [хиёл+сифат+роқ = сифатий белгининг белгиланмаган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси]

В. А,С,Д

С. [от+ -га қараганда+сифат ...роқ сифатий белгининг белгиланган киёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси]

Д. -га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам -роқ

2.3. Даража функционал-семантик майдони чеккаси воситаларининг нутқий воқеланиши

Даражаланиш тил ва нутқда умумийлик – хусусийлик, нотўлиқлик – тўлиқлик, узуклилик (дискретлик) – узлуксизлик (континуумлик), мавҳумлик – аниқлик каби ҳолатларда амалга ошади.

Лисоний даражаланиш тил қурилишининг муҳим омили ёки қонуни бўлиб, у фонологиядан матнга қадар бўлган тил кўламларида айнанлик – фарқлилик – зидлилики йўсинидаги шаклланишларда намоён бўлади.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигининг долзарб вазифаларидан бири лисоний тизимдаги даражаланувчи айнанликларни ҳамда булар асосида шаклланган фарқланувчи (дифференциал) белгилар системасини тўлиқ таҳлил қилишдан иборат²⁹.

Майдоннинг чекка қисмини ташкил этган воситалар икки хил бўлиб (сифат, от, сифатдош, ибора ва нолисоний восита (имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати), уларнинг нутқий воқеланиши майдоннинг ядро ва марказ воситаларидан бирмунча фарқлилиги билан ажралиб туради.

Майдон чеккасини ташкил қилувчи лексик бирликлар матн ва қуршовга боғлиқ равишда белгининг ортиқлиги, камлиги ёки меъёрийлигини ифодалар экан, лексик бирликларнинг нутққа хосланиши, умумий луғавий маъноларининг парчаланиши аҳамиятлидир. Даража функционал –семантик майдон чеккасини ташкил қилган бирликларнинг нутқий реаллашувида обектив, субъектив ва синтактик омиллар муҳим ўрин тутди.

²⁹ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Т., 1997. – Б. 29.

Сўзларнинг луғавий маъносидан англашиладиган белги даражасини фарқлашда синтактик омилнинг роли устуворлашади. Бошқача айтганда, белги билдирувчи сўзларнинг луғавий маъносидаги белги даражаси бирикувчи сўзларнинг семантикасига боғлиқ равишда амалга ошади. Масалан, *оқ* сўзи луғавий маъносида белгининг ортиқ даражаси ҳам, меъёрий даражаси ҳам, камлиги ҳам мавжуд. Бу бирикаётган сўзнинг луғавий маъноси билан муайянлашади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Даражаланиш, лисоний даражаланиш, тил ва нутқ, умумийлик – хусусийлик, нотўлиқлик – тўлиқлик, узуклилик (дискретлик) – узлуксизлик (континуумлик), мавҳумлик – аниқлик, лисоний даражаланиш, даража функционал –семантик майдони чеккаси, майдоннинг ядро қисми воситалари, майдоннинг марказ қисм воситалари, объектив омил, субъектив омил, синтактик омил, белги билдирувчи сўз, луғавий маъно, матн, қуршов, белги даражаси, белгининг ортиқ даражаси, белгининг меъёрий даражаси, белгининг камлик даражаси.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Даража функционал-семантик майдон чеккасини ташкил этган бирликларнинг нутқий реаллашувида қандай омиллар муҳим ўрин тутди?
2. Майдоннинг чекка қисмини ташкил этувчи лисоний воситаларнинг нутқий воқеланишида нутқий шароит, нутқнинг ижтимоий хосланиши каби омилларнинг муҳим ўрин тутишини мисоллар билан шарҳланг.
3. Даражаланиш тил ва нутқда қандай ҳолатларда амалга ошади?
4. Майдоннинг чекка қисмини ташкил этган воситалар неча хил?
5. Майдон чеккасини ташкил қилувчи лексик бирликлар матн ва қуршовга боғлиқ равишда қандай белгини ифодалайди?
6. Даража функционал –семантик майдон чеккасини ташкил қилган бирликларнинг нутқий реаллашувида қандай омиллар муҳим ўрин тутди?

7. Сўзларнинг луғавий маъносидан англашиладиган белги даражасини фарқлашда қайси омилнинг роли устуворлашади?

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР:

1- ТОПШИРИҚ. Қуйидаги жадвални тўлдилинг.

№	Объектив омил	Субъектив омил	Синтактик омил

2- ТОПШИРИҚ. Майдоннинг чекка қисмини ташкил этган воситаларга мисоллар келтиринг.

№	Лисоний воситалар	Нолисоний воситалар

3- ТОПШИРИҚ. Белгининг ортиқлиги ифодаланган сўзларни аниқланг.

1. *Оқ олтинни олтин қўллар яратади.* (“Шарқ юлдузи”) 2. *Ақлли одамларнинг садагаси кетсанг ҳам арзийди.* (О.Ёқубов) 3. *Кумуш қишдан, зумрад баҳордан Қолишмайди кузнинг зийнати.* (Уйғун) 4. *Даврага эълончи чиқиб: -Хов, яхшилар, ҳозир биз сизларга ақлли отлар ўйинини кўрсатамиз, - деди.* (Т.Обидов) 5. *Ўлкамиз қора олтинга бой.* (“Ёшлик”) 6. *Учиб юрган ниначиларнинг олтин қанотлари кўзни қамаштирарди.* (“Ёшлик”)

Даража функционал-семантик майдони чеккаси воситаларининг нутқий воқеланишига оид билимингизни **тест** саволари асосида текширинг.

1. Даражаланиш тил ва нутқда қандай ҳолатларда амалга ошади?

А. Умумийлик – хусусийлик

В. Нотўлиқлик – тўлиқлик, узуклилик (дискретлик) – узлуксизлик
(континуумлик)

С. Мавҳумлик – аниқлик

Д. А, В, С

2. Майдоннинг чекка қисмини ташкил этган воситаларни аниқланг.

А. Сифат, от, сифатдош, ибора

В. Имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати

С. А, В

Д. Сон, олмош, феъл

3. Майдоннинг чекка қисмини ташкил этувчи лисоний ҳамда нолисоний воситаларнинг нутқий воқеланишида қайси воситалар муҳим ўрин тутади?

А. Фонетик-мантиқий, синтактик, морфологик, услубий ва матний воситалар

В. А, Д

С. Синтактик, морфологик, услубий воситалар

Д. Нутқий шароит, нутқнинг ижтимоий хосланиши

4. Даража функционал –семантик майдон чеккасини ташкил қилган бирликларнинг нутқий реаллашувида қайси омиллар муҳим ўрин тутади?

А. Объектив омил

В. Субъектив омил

С. Синтактик омил

Д. А, В, С

5. Объектив нутқ шароити деганда нимани тушунаси?

А. Сўзловчи ва тингловчи учун имо-ишора ҳаракатларини тушуниш, уни илғай олиш учун ташқи шарт-шароит бўлиши мақсадга мувофиқ.

В. Ёруғликнинг бўлиши, ҳаракатларни кўра билиш шулар жумласидан.

С. А, В

Д. Нутқнинг, муомаланинг ижтимоий хосланиши

ХУЛОСА

1. Белги даражаси микромайдонини ифодаловчи воситалар майдон таркибини ташкил қилар экан, бунда ядро, марказ ва чекка қисм воситалари фарқланади. Майдон таркибини белгилашда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим: майдонга кирувчи воситанинг қўлланиш даражаси; воситанинг қиёсга муносабати ва уни мустақил ҳолда ифодалаш даражаси; қайси воситанинг даража микромайдонига кўпроқ хосланганлиги.

2.— *роқ* даража шакли ва у билан шаклланивчи —*дан+сифат+роқ* мураккаб шакли бош восита бўлиб, майдон ядросини ташкил қилади. Чунки бу шакл асосан белги даражасини ифодалаш учун хосланган ва унда даражанинг асосини ташкил этувчи қиёс яққол сезилиб туради. Шунингдек, мазкур функцияни бажариш учун турли шакл ва воситалар билан биргаликда, изчил ишлатилади. Унинг қўлланиши даражанинг турлари (оз, ўртача, кўп) билан ҳам чекланмаган.

—*дан+сифат+роқ* шаклида сифатдан олдинги чиқиш келишигидаги сўз алоҳида гап бўлаги бўлганлиги боис, назаримизда у қиёсий даража ифодаловчиси учун мустақамловчи восита сифатида олиниши, қиёс ва даража фақат *-роқ* шакли орқали ифодаланаётганлигига эътибор қаратиш лозим.

Даража ифодаловчи бошқа воситалар даражанинг бўлак микромайдонларида ишлатилади. Аммо улар сирасида *энг* ва *ҳаммадан* бирликлари ўзининг белги даражасига хосланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Улар, биринчидан, белги даражаси учун хосланганлиги билан характерланади. Унинг қўлланилиши асосан шу «ҳудуд» билан чекланган. Бироқ даражанинг фақат ортиқчалигини ифодалаш нуқтаи назаридан *-роқ* шаклидан ажралиб туради. Демак, қиёснинг яққоллиги уларни *-роқ* шакли билан биргаликда майдон ўртасига қараб тортади. Шундай экан, *энг* бирлиги ҳам майдон ядроси сифатида қаралиши лозим.

3. *Ҳаммадан/барчадан* сўзлари даража маъноси ифодаловчи воситалар сирасида муҳим ўрин тутаяди.

Даража функционал-семантик майдони воситаларидан 1) махсус кучайтирувчи сўз ва сўз бирикмалари: *жуда, энг, янада, гирт, жиққа, тим, беҳад, ғоят, ниҳоятда, бир, бирам, тим, нақ, зап, беҳад, бениҳоя, чексиз, мислсиз, тенгсиз, ниҳоясиз, беқиёс, зўр-зўр, бармоқдай-бармоқдай, не-не, каттадан-катта, оч, ним, ҳаддан зиёд, ҳаддан таиқари, мисли йўқ, баҳоси йўқ, минг марта, ақл бовар қилмас, мутлақо, баттар, беибаттар, бир-биридан* каби; 2) бошланғич бўғинни олиб, унга **п, м, с** товушини қўшиш ва ёнидан сифатнинг ўзини келтириш; 3) дастлабки қисмига **-ппа** унсурини қўшиш ва сўзнинг ўзини жуфтлаштириш; 4) **-иш//ғиш, -мтир//имтир, -тоб, -гина//кина//қина** қўшимчаси кабилар қиёснинг мантикий мавжудлиги, белгини маълум бир сифатларда кўрсатиш билан чекланганлиги, шу билан биргаликда, даражани, асосан, белги микромайдонида ифодалай олганлиги боис майдон **марказий бирликлари** сифатида қаралади.

4. Манбаларда белгининг ортиқ даражасини кўрсатувчи восита сифатида таърифланган *нақ, зап* сўзлари келтирилган бадий асарлар матнида белги даражасини эмас, балки иш-ҳаракат даражасини кўрсатувчи восита сифатида учради. Шу боисдан улар белги даражаси майдонига критилмади.

5. Майдоннинг чекка қисмини ташкил қилувчи сифатнинг луғавий маъноси, отнинг луғавий маъноси, сифатдош, ибора, такрорий сўз, нолисоний воситалар (имо-ишора, сўзловчининг субъектив муносабати) нафақат белги даражаси микромайдони, балки бошқа даража микромайдонга хос тушунчаларни ифодалаш нуктаи назаридан ҳам аҳамиятга эга. Бу эса уларнинг майдон чеккасига “сурилишига” олиб келган.

Белги даражаси микромайдони чекка воситаларида белгининг ортиқ-камлиги лисоний ва нолисоний воситалар ёрдамида ифодаланар экан, бунда “қиёс” семаси ноль даражага тушиб, асосан, ортиқлик ёки камликка эътибор устуворлашади.

6. *-роқ* шаклли қолипнинг нутқий воқеланишида умумий маъно фарқланиши учун грамматик омил ҳал қилувчи роль ўйнаса, микромайдон

ядровий воситаси сифатида қолипнинг то нутқий воқеланишгача бўлган ҳолатларида луғавий-маъновий омил, нутқий маъноларнинг фарқланиши учун турли лисоний ва нолисоний омиллар муҳим аҳамият касб этади.

7. *Энг* шаклли даража воситасининг нутқий воқеланишида грамматик (морфологик) ва луғавий воситалар муҳим фарқловчи омил бўлиб хизмат қилади. Хусусий маъноларни фарқлашда морфологик, синтактик, услубий, ва, албатта, нолисоний омилларнинг роли устувордир.

8. **[ҳаммадан/барчадан + шахсни тавсифловчи даражаланувчи сифат = шахсни тавсифловчи сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси]** морфологик қолипни синтактик қолипдан мантиқий-фонетик ва ўзига ёндош оралиқ қолипдан морфологик қолип фарқлайди ва нутққа олиб чиқади. Турли эгалик шаклидаги **[ҳаммасидан/барчасидан + умуман даражаланувчи сифат = сифат орттирма даражасининг белгиланган қиёсий даражаси]** қолипи модификацион кўринишлари семантик омил (шахс ва сон маънолари) асосида фарқланади ва қолипнинг кейинги тармоқланиши сифатнинг даражаланувчи луғавий-маъновий гуруҳлари асосида юзага келади.

9. **[оч/ним + ранг билдирувчи сўз = рангнинг белгиланмаган қиёсий камлиги даражаси]** қолипнинг ҳосиласи айрим сўзлар билан чекланган. Масалан, *оқ, қора* каби сўзлар бу қолип узви бўла олмайди. Қолип ўта хусусий табиатга эгалиги туфайли унинг бошқа қолиплардан фарқланиши парадигматик ва воқеланиши луғавий омиллар асосидадир.

10. **[хиёл+сифат+роқ = сифатий белгининг белгиланмаган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси], [от + -га қараганда+сифат ...роқ = сифатий белгининг белгиланган қиёсий ва бетараф ортиқлик/камлик даражаси]** (вариантлари, *-га нисбатан ...роқ, -дан кўра ...роқ, -дан ҳам –роқ* воситали) каби хусусий қолиплар -роқ шаклли морфологик қолипнинг ҳосилалари бўлиб, улар даража майдонининг марказий воситалари сифатида намоён бўлади. Бу қолипларни фарқловчи омиллар лексик-морфологик-синтактик характерга эга.

Луғавий маъно воситасида ифодаланадиган белги даражасини воқелантирувчи омил синтактик характер касб этади.

Нолисоний восита воқеланиши учун нутқий шароит ва нутқнинг ижтимоий хосланганлиги аҳамиятлидир.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
1. ДАРАЖА ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОНИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТИ	
1.1. Даража функционал-семантик майдони ва унинг таркиби.....	14
1.2. Даража функционал-семантик майдони ядросининг лисоний хусусиятлари.....	18
1.3. Даража функционал-семантик майдони марказининг лисоний хусусиятлари.....	24
1.4. Даража функционал-семантик майдони чеккасининг лисоний хусусиятлари.....	36
2. ДАРАЖА ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК МАЙДОНИ ВОСИТАЛАРИНИНГ НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИ	
2.1. Даража функционал-семантик майдони ядроси бирликларининг нутқий воқеланиши.....	44
2.2. Даража функционал-семантик майдони маркази воситаларининг нутқий воқеланиши.....	48
2.3. Даража функционал-семантик майдони чеккаси воситаларининг нутқий воқеланиши.....	51
Хулоса.....	55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66
Мундарижа.....	67

